



Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз ва муҳтарам ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!
Биз вилоят касаба уюшмалари фаоллари янги-янги умидлар билан тўлиқ бўлган ушбу кутлуғ кунларда Сизга мурожаат килиб қалбимиздан жўшиб чиқаётган дил сўзларимизни изҳор этишини лозим топдик.

Халқимиз орзикиб кутган ватан мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда, ҳаётимизда рўй берадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, айниқса, Сизнинг олиб бораётган доно ички ва ташки сиёсатингиз самарасини юракдан ҳис этиб турибиз.

Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларингиз мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан бирига айланиши учун амалий дастур эканининг гувоҳи бўляпмиз.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнда айниқса нархнаво кескин кўтарилиб кетаётган бир пайтда халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоясини ўйлаб чиқаётган фармонларингиз кўпгина муаммоларни ҳал этишда имкониятлар яратмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва хукукий ҳимоясини юксалтиришда маҳаллий ҳокимият билан ўзаро ҳамкорликни яна ҳам кучайтираверади.

Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг 1993 йилга мўлжаллаб тузган битими ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Юртимизда қарор топган барқарорлик ва осойишталик вазияти, соғлом маънавий иқлим ва кўтаринкилик барча халқимизни ижодий ва самарали меҳнат сари чорлайди, дилларда умид ва ишонч ўйғотади ва биз бу умид ва ишончни халқимизга етказишига тайёрмиз.

Зеро ҳаммамизнинг орзу-умидимиз ва мақсадимиз битта — у ҳам бўлса мустақил Ўзбекистон давлатини бутун жаҳон давлатлари ўртасида гуллаб-яшнаган диерга, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакатга, халқи бой, дастурхони обод ўлкага айлантиришдир.

Яхши ният ҳамиша халқимизга ўйлодш бўлиб, юртимизга баҳт ва омад кулиб бокаверсан.

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Хурматли ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Сиз доно ва халқарвар юртбоши бўлғанлигиниз туфайли мамлакатимиз истиқлолга, хуриятга эришди. Ҳозир Республикаимиз ҳурмат-обрўси халқаро майдонда ошиб бормоқда. Бу шубҳасиз Сизнинг оқилона раҳбарлигиниз туфайли юз бермоқда.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Яқинда Жиззах вилоятида бўлиб ҳалқ депутатлари Кенгаши сессиясида қылган сермазмун, одамларни инсоғиётникодга чорловчи жўшкин нутқингизни тинглаб кўнглиминиз тоғдек кўтарилиди. Эртанги кунимизга, мамлакатимиз келажагига ишончимиз ортди. Тарихий нутқингизда келтирилган танқидий фикрларга тақорор-тақорор икрор бўлдик. Вилоятимиз шаҳар ва районларида юзага келган иллатларга карши курашда биз касаба уюшма фаоллари га нутқингизда олга сурилган ғоялар куч-кувват ва иродабахш этмоқда.

Биз касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши фаоллари йигилишининг қатнашчилари Сиз — Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сабит эътиқод билан катъий ва оғишмай амалга ошириб келаётган Республика ҳукуматининг доно ички ва ташки сиёсатини қизғин кўллаб-кувватлаймиз.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари фаоллари Сизни ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини чуқур ишонтириб айтамизки, биз Ўзбекистон Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг республика фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашни кўзда тутган фармонлари ва бу йўлда изчил ҳамда оғишмай давом эттираётган саъй-харакатларингизни ниҳоясига етказиш учун курашда куч-ғайратимизни аямаймиз..

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ.



Республикамизнинг пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда. Барча ургуни ерга қадаш ишлари барча ҳўжаликларда ниҳоясига етад деб қолди. Жанубий вилоятларда эса униб чиккан чигит николларига дастлабки ишлов бошлаб юборилди.

Суратда: Сурхон Ҷонида ҳафтазорларида, И. Ҳўжаев (з. а.) сурат сурат.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҚЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Касаба уюшмалари Жиззах вилоят қенгаши раёсатидаги навбатдаги мажлисида вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмуряти ва касаба уюшмаси кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги конун асосида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясиги таъминлаш, зарур маданий-маиший шаронтлар яратиб бериш борасидаги чора-тадбирларни бундан кейин сабит-эътиқод билан катъий ва оғишмай амалга оширишни талаб қилди.

Йигилишда кабул қилинди.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Жиззах вилоят касаба уюшмалари фаолларининг йигилиши бўлди. Йигилишни вилоят қенгаши раиси И. Х. Хушиев кириш сўзи билан очди. Унда «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги конун асосида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясиги таъминлаш, уларга зарур маданий-маиший шаронтлар яратиб бериш борасидаги ишлар мухокама этилди.

Касаба уюшмалари фаоллари йигилишида Жиззах вилоят ҳокими А. Х. Тошкенбоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алламуродов ўртоқлар меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясиги таъминлашда вилоят касаба уюшмалари олдида турган долзарб муаммолар ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг Жиззах вилоятини ҳалқ депутатлари Кенгаши сессиясида сўзлаб ғуткидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида мұфассал тўхталдилар.

Йигилиш қатнашчилари

Президентимиз И. А. Каримов номига мурожаатнома кабул қилдилар. (Мурожаатнома ёълон килинмоқда). *

ШУ КУНИ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алла-

Хабарлар

МАЃЗИ



● ТОШКЕНДА умумжаҳон иқтисодий анжуманинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўздади ва анжуман катнашчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий исполотлар ҳакида сўзлаб берди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар маҳкамаси «Чорва, сут, картошка, мева сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чегараланган ҳарид нархларини ўзгартириш ва айрим озиқ-овқат молларининг чакана нархларини тартибига солиш тўғрисида» карор қабул қилди.

Тирик вазидаги чорванинг харид нархлари даражаси 1,9 баравар, сут — 1,7, картошка йил мавсумига қараб 2,5—4,8 баравар, пиёз — 1,6, карам — 1,8, сабзи 1,7 — 3, помидор — 1,3—1,9, олма — 4,2 баравар оширилди.

Ахолига сотиладиган 1 килограмм гўшт 200 сўм, ўсимлик ёғи 40 сўм, макарон маҳсулотлари — 50 сўм, куйиб сотиладиган қаймоғи олинмаган сутнинг 1 литри 20 сўм килиб белгиланди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Қенгаши Раёсатининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг ўн иккичи сессияси 1993 йил 6 майда чакирилади. Сессия кун тартибига ўтизга яқин масалаларни киритиш кўзда тутилган.

● ДАНИЯ кироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва муҳтор эчлиси этиб тайинланган Хенрик Рии Ҷверсен мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёртигини топшириди.

● АНДИЖОН вилояти пахтакорлари республикада биринчилар қатори чигит экиш режасини бажардилар.

● ВЕНГРИЯ Ташқи ишлар вазирининг Давлат котиби А. Келемен бошчилигидаги Венгриядан келган мўтабар делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Сафардан кузатилган мақсад иккала давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий маданий алоқаларни йўлга кўшиш бўлди.

муродов Жиззах шаҳри марказидаги Шароф Рашидов хиёбони ёнда курилаётган вилоят касаба уюшмалари биносини кўздан кечирди. Курувчилар билан сухбатлашди. Бозор иқтисодига ўтиш даврида нархнавонинг бекарорлиги курилиш ишига бевосита салбий таъсир кўрсатди. Лекин шуига қарамай имкониятларни кидириб топиш ва жорий йилда бино курилишини ниҳоялаш зарурлиги ҳакида бир фикрга келишилди. Ўшакуни Б. А. Алламуродов вилоят ҳокимлигига ҳам бўлди.

Б. А. Алламуродовнинг Жиззах вилояти бўйлаб сафарида вилоят ҳокими А. Х. Тошкенбоев, Жиззах шаҳар ҳокими К. З. Кобулов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алламуродов ўртоқлар иштирок этди.

«Ишонч» мухбирин.



ИЛГАРИ хабар берилганидек, Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ш. К. Хайруллаевнинг «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вилоят касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишларини қайта қуриш тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.



Вилоятда ёшларни маънавий ва жисмоний жихатдан камол топтириш юзасидан кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Наврӯз байрами кунидан бу ерда «Семурғ» деб номланган янги спорт комплекси ишга туширилди. Ҳозир «Спартак» стадионини таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда. Бугунги кунда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят стадионларининг 66 физизини, спорт залларининг 12 физизини, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт майдонларининг 7 физизини ўз тасарруфига олган. Бу иншоотлар ёштарни, соғлом авлодни камол топтиришга хизмат қилаяти.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга шахсан Президентимиз алоҳида эътибор билан қараётганлигини мажлис қатнашчилари мамнуният билан тилга олдилар. Футбол тарихида биринчи марта бу ҳаљк спортини янада ривожлантириш тўғрисида Президент фармони эълон қилинди. Шу асосда вилоятда кенг кўлами ишлар бошланиб кетди. Ҳозир касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва спорт тузилмасини тақомиллаштиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилмоқда. Концепция лойиҳасининг беш хил кўриниши мажлис қатнашчилари эътибориша ҳавола қилинди. Улар муҳокама этилиб тегишли карор қабул қилинди.

Вилоят касаба уюшмаси ташкилотларида ягона молиявий тартибини ўрнатиш, тармок касаба уюшмалари ишини мувофиқлаштирувчи кенгашилар фаолиятини кучайтириш, вилоят касаба уюшмалари кенгаши низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритишга онд масалалар ҳам мажлисда қизгин муҳокама этилди. Улар юзасидан Б. А. Алламуродов кенг тушунчалар берди ва бир катор масалаларга алоҳида эътиборни қаратди.

Мехнаткашларни соғломлаштиришга қаратилган маблағларнинг ўзлаштирилмай колаётганини ачинарли ҳолдир. Ўтган йили шу максадларга ажратилган маблағларнинг 14 миллион сўми ўзлаштирилмади. Бу йил меҳнаткашлар, талабалар, фахрийларнинг даволаничи ва дам олиши учун ажратиладиган маблағ баробар кўпаяди. Демак, касаба уюшмаларининг фаолиятини яна ҳам кучайтириш талаб этилади.

Ҳозир ҳар бир районда 12—13 та тармокнинг касаба уюшмаси ташкилотлари фаолият кўрсатаяти. Улар асосан вилоят билан боғланган, районда эса ўзаро алокалари сезилмайди. Бундай ҳолатдан чикиш учун улар ишини мувофиқлаштирувчи кенгашилар тузилганини айни мудда бўлди. Улар барча ташкилотларда меҳнаткашлар хукукларини химоя қилмоқдалар, жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Юкори касаба уюшмаси ташкилотлари олдида тармок касаба уюш-

СОҒЛОМ АВЛОД-ВАТАН ҚАНОТИ

Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши мажлисидан

малари бошланғич ташкилотлари манфаатларини химоя этмоқдалар. Мажлисда Шофиркон райони тармок касаба уюшмалари ишини муво-

митаси раиси Салим Носиров кенгашига раҳбарлик килиб қелмоқда. Мажлис қатнашчилари бошқа районларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашила-

га ўтиш жараёнида улар ўз фаолиятларини яна ҳам кучайтирадилар, деган умиддамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Президентимиз тавсифлаб берган бешта принципи мажлисда яна ҳам кенгрок тушунтириб берилди. Бу даврда иқтисодиёт сиёсатдан устивор бўлиши, давлат бошқарув жиловини қўлдан чиқариб юбормаслиги, яъни ўзи бош ислоҳотчи бўлиши, конун барча учун баробар бўлиши, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, режа билан ўтиб борилиши зарур. Шундагина биз инсонни бозор зарбаларидан асрар қоламиз. Бу йўналишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар мажлисида аниқ белгилаб олинди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига Мурожаатнома қабул килдилар. (Мурожаатнома газетанинг 1-саҳифасида эълон қилинмоқда).

* * *

ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов Бухоро вилоятида бўлган вактида Ислом илмининг етук намояндаси Баҳоуддин Нақшбандий қабрни зиёрат килди. Буюк аллома меросини тиклаш ва ўрганиш учун касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши салмоқли хисса қўшади. Шу куни Б. А. Алламуродов Бухоро қурилиш материаллари комбинати, Корея билан ҳамкорликда курилаётган «Голстар» қўшма корхона, қоракўл заводи ишчи-хизматчилари хузурда бўлди, Ип-газлама комбинатида яратилган маданий-майший шароитлар билан танишиди. Унга вилоят ҳокими Д. С. Едгоров, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ш. К. Хайруллаев, Бухоро шаҳар ҳокими У. Носиров ҳамроҳ бўлдилар.

Вобкент, Фиждуон, Шофиркон районларига бўлган сафарлар ҳам мазмунли ўтди. Касаба уюшмалари фаоллари, меҳнаткашлар вакиллари билан бўлиб ўтган сухбатлар чоригда аҳолини ижтимоий химоялаш, таъминотни яхшилаш, дам олиш оромгоҳларини янги мавсумга тайёрлаш билан боғлик вазифаларга эътибор қаратилди. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида касаба уюшмалари фаолиятини кучайтиришга қаратилган таклифлар ўртага ташланди.

Сафар вактида Б. А. Алламуродов касаба уюшмаси фаолларини, маҳаллий ҳокимият вакилларини кизиктирган барча саволларга жавоб қайтарди. Улар ўртага кўйган муаммоларнинг кўпчилигига ўша жойнинг ўзида ечим топилди.

«Ишонч» мухбери.



ИРГОЛИКЛАННИНГ орзуси битат: «Качон кишлогимиз газлаштирилар экан?» Кимдир «сабр килсанг ўрадан халво битар» дейди, бошка бирор «качон бизнинг кишлокдан хам раис чикса, ўшанда газлашади» дейа дардини ичига ютади. Лекин вакт ўтар, замон ўтар, на ўрадан халво битади, на Ирголидан раис чиқади...

Хўжаликка 1979 йилгача, яъни 15 йилдан ортик Нурмат ака Тўракулов ранслик килган. Яхши раҳбар бўлган, улдабурон, обрў-эътиборли, эзгу ишларни кўп килган. Унинг раҳбарлик даврида хўжаликдаги 12 кишлокдан энг аввал марказдаги — Чуволанчи, II Хитой кишлоклари газлаштирилган эди. Биринчиси хўжалик маркази, иккинчиси раис туғилган кишлок. Кейин 1979—85 йилларда хўжаликни Каҳот кишлогилик Жўракўзи Бадалов бошқарди. Тасодифни қарангни, бу даврга келиб, иложи топилиб Каҳот хам газлаштирилди. Ирголи унга кўшни, орадаги масофа ярим чакрим хам келмайди. Лекин Ирголини газлаштириш хақида аввалги раис ўйламагандек, буниси хам ўйламади. Кейин Ирголининг бу ёнидаги Кўғоли кишлогидан хам жамоа хўжалигидаги ишловчи бир-икки раҳбар чиқди-юз тез орада у кишлок хам газлаштирилди.

ИРГОЛИ ЎГАЙМИ?

Ёки-Фарғона вилояти, Бағдод районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раҳбарларининг қишлоқ қурилишига панжа орасидан қараёт-ганлари хусусида.

1985 йилда ранслик коракўллик Саминжон Ҳамиджоновга ўтди. Мана 8 йилдирки хўжаликка раҳбар. Энди газлаштириш эстафетасининг байроқчалари Қоракўлга ўтди. Ҳозир унинг ёнидаги Бегвачча кишлоги хам газлаштирилмоқда. Буни кўриб одамлар баралла «Кишлоқни газлаштириш учун аввало ўша кишлокдан раис чиксин экан», дейдиган бўлиши. Ирголида эса раис бўлман деган марднинг ўзи йўқ.

Ирголи — хўжаликдаги 12 кишлокнинг энг каттаси, хўжаликдаги 20 минг аҳолининг 2,5 минги ёки бошкача айтсан, 5 минг хўжаликнинг 500 шини ирголиклар ташкил килди. Хўжалик даромадидаги улушлар хам шунга яраша. Аммо нимагадир хўжалик раҳбарлари бу кишлокка ўғай кўз билан карашади.

Кишлоқларни газлаштириш хусусида Президентимизнинг карори хам чиқди. Лекин бу қарор хам на хўжалик раҳбарларига таъсир этди, на Ирголига тадбиқ килинди.

«Пул йўқ, очигини айтсан хўжаликка ултуржи пул кузда — паҳта терими вактида тушади. Ҳозирнинг ўзида хўжаликнинг банкдан 50 миллионга якин карзи бор», дейди бош ҳисобчи Абдувоҳид Исомиддинов. Раис — Саминжон Ҳамиджонов хам пул йўқлигидан «куйиниб» гапиради.

Хўжаликка раҳминг келади. Аммо беш-олти боласи, кекса ота-онаси билан печкасига кўмир тополмай киши бўйи касалдан чиқмай юрадиган колхозчилар оиласига кимнинг раҳми келаркин?..

Очиғи, 1992 йил апрелида хам хўжаликдаги аҳвол ҳозиргидек эди. Селу ёмғир, дўл, шамол натижасида кайта экилиши керак бўлган пайкалларга хам чигит етмаган. Аммо ўшанда хўжаликнинг ўз ҳисобидаги 97 тонна толаси сотилмай туради, 1 тонна тола нархи 130—140 минг атрофиди эди.

Бу йилги апрелда хам аҳвол тақорланаяти. Аммо хўжалик омборида ўз ҳисобидаги 237 тонна паҳта толаси туриди. Режадан ортик пилласи хам бор. Хўп, ўша толаларининг нархи ошар, аммо пулнинг кадри соат сайнин қадрсизланадаётган пайтда кечаги 100 сўм бугун бир сўмга хам тўғри келмайти-ку. Тағин тола сотишида хам аввалигидек юоридан буйруқ кутиб ўтириш шартмикни? Бу ерда эса айни шундай йўл тутилаяти?

Хуллас, Президент қарори энгага келдими ёки ирголиларининг «охига кулогига етдими, бу йилги хўжалик-

нинг йиллик ҳисобот йиғилишида раис барча ишларни қўйиб, газлашмаган кишлокларни газлаштиришга сўз берди. Унинг нутканинг турмуш маданияти бўйича дейилган жойда «1993 йилда Оқчангал, Чуволанчи, Ирголи ва Болғоли кишлокларини газлаштириш учун лойиҳалаш ишлари бажарилган бўлиб, монтаж ишларини бошлаб юбориш «режалаштирилган», деган сўзлар хам бор эди. Бу гапларни у баланд минбардан айтди. Лекин, мана, йилнинг 1 квартали тугадики, яна «бояги бояги-бой буванинг таёғи» бўлиб Ирголи-ю Болғоли кишлогида бир чақалик иш килинмаяти.

Энди ҳисоботда тилга олинган лойиҳа масаласига рўй-рост ёндошайлик. 1992 йил баҳорида у тайёр бўлганда киймати 84 минг 282 сўм эди. Бу пулни лойиҳачи ташкилотга ўтказиши на хўжалик бошлигининг, на ҳисобот бўлимидагиларнинг, на иктисадчиларнинг, на бошка раҳбарларнинг хәётлига келди. Ирголи халки ювощ, меҳнаткаш, тўдалашиб раҳбарлар олдинга келишини билишмайди-да. Ҳадемайдала ишлари кизиб кетса, кишигача газ ҳақида эслашмайди хам. Аммо март ойининг сўнгги куни ўша лойиҳага пул ўтказиши учун районга бориб, иши юришмаган баш ҳисобчининг кўлидаги хужжатда ўша лойиҳа учун 485 минг 644 сўм пул тўланиши лозим

чилиари-ю, ота-оналар серкатнов кўчадан мактабга катновчи болаларни ўйлаб жонлари халак. Қишлоқ мактабида бирор эзгу тадбир ўтказишига бўш хона, ҳатто спорт зали хам йўқ.

Кишлоқдаги ёзги клубнинг таҳтадан килинган сахнасини кўриб кутишни хам, инглашни хам билмайсан. Бирорта чойхона, кўчаларда эса электр чироги кўринмайди. Таъний газ бўимагани стмагандек, район газлаштиришни идораси томонидан аҳолини балонли газ билан таъминлаш хам кўнгилдагидек эмас. Бағдод — Қўқон йўлининг айни Охунбобоев номли хўжалик худудидаги бекатларнинг номи хам, киши совуғи ёз жазирамасидан сакловчи соябони хам йўқ.

Бошка соҳаларда аҳвол яхшидир, деб ўйларсиз. Қайди, 12 кишлоғи, 20 минг аҳолиси бор хўжаликда 50-йилларда курилган ёлғиз эски ҳаммом бор, козонхонадаги суви кўриниб туради. Бу соҳада хам хўжалик райондаги барча хўжаликлардан ортда қолган.

Яна Президентимиз И. Каримовнинг кишлоқ меҳнаткашлари турмуш фаровонлигини ошириш, кишлоқ жойларни ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ҳакидаги карори эсга тушади.

Ҳеч ким, ҳеч бир раҳбар бирор баҳона килиб, бу карорни пайсалга солиши керак эмас! Бу ишларни амалга ошириш учун эса аввало хўжалик иктисадини кўтариш, янгича иш юритиш, аввало одамларни ўйлаш керак.

Хўжаликда одамларни иш билан таъминлаётган янги цехлар хам ҳеч канча фаолият кўрсатмай синомокда, бунга хўжалик раҳбарлари хам, қасаба ушома кўмитаси хам бирор жиддий ёрдам бермаяти. Мисол учун Ирголи кишлогидаги мактабга яқинда ишга келган Эгамбердӣ устанинг хам дурадгорлик цехи бор эди. Ёғоч такчиллиги, кимматлиги, соликлар ошиб кетгани сабабли цехни ёпишга мажбур бўлибди у. Хўжаликда эса учтўрт йил бурун тижорат ишлари бўйича очилган раис муовини штатида ишлаганлар, хўжалик номидан бориб, Россиядан ёғоч олиб келиб, ким ошдига пуллашдан нарига ўтишмади. Ҳўш, улардан хўжалик сарик чакалик наф кўрдимикан? Бу энди район, вилоят бўйича касаллик десак хато бўлмас.

Агар улар ўша ёғочларни хўжаликдаги дурадгорлик цехларига бергандан Эгамбердига ўхшаганлар эзгу ният билан бошлаган ишларидан кўнгиллари совумасди. Ахир бозорда 2 та эшик, дераҳа турганни яхшими, ўнта? Нарх-наво ўшанда арzon бўлмайдими? Хўжалик раҳбарлари эса ҳамон ҳисоботларда полонча дурадгорлик цехи очиб, мунча одамни иш билан таъминладик, деб юришмасди. Бу ёқда эса...

Бу ишларга биргина хўжалик бошкарув раисигина эмас, истаган вақтда хўжаликдаги у амалдан бунишига ўтиб юрувчи раис муовинлари хам жавобгардир. Қолаверса, биз айтган юоридаги муаммоларни ҳал этишида газ инженери Одилжон Ҳусанов, курилиш бригадири Сирожиддин Мирзаев, райондаги мутассади ташкилотлар раҳбарлари хам жавобгардилар.

Хўжалик марказидаги бир вақтлар расм бўлган «Хурмат таҳтаси» даги куийдаги ёзувга кўзим тушди:

«Кимки ҳаётда тежкамор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди».

Ҳак гап. Хўжалик ўтган йили 147 миллион сўмлик даромад килибди, шундан 36 миллион 43 минг сўми соғ даромад экан. Бу эса кишлоқ хўжалик вазирлигининг келажаги йўқ, 15 миллион сўмдан паст даромад килувчи хўжаликларни тарқатиб юбориш ва бошкарувни бошка турларини кўллашга ўтиш кўрсатгичидан унчалик узоқ эмас. Бу ҳақда ҳозирдан ўйланамас, тежкаморлик килинмаса, 2—3 йилдан кейин хўжалик росмана инкрозига учраши, ундаги 12 кишлоқда Ирголидагидек бирор эзгу ишни килиш ҳозиргидан хам кийин ташиши мумкин.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

АҲБОРӨТ

ФОЙДАЛИ ВА АРЗОН

● «ИЗЛАГАН имкон тоади... деган иборанинг накадар хаётйлиги Беруний районлараро насос станциясида ишботланаяти. Қасаба ушомаси маъмурияти билан тигиз ҳамкорликда жамоа аъзоларини ижтимоий жиҳатдан химоя килиши асосий вазифа килиб кўйган эди. Шу максадда ташкил этилган «Толлик» кичик корхонаси фаолияти ибратли бўлаяти. Ўтган йили бу корхона 100 уя асалари, 1000 баш парвариш килди, 50 гектар майдонга шоли экди. Натижা кўнгилдагидек бўлди. Жамоа аъзоларига ҳар килоси 11 сўмдан асал, 3 сўмдан шоли етказиб берилди.

ТАБИАТ ИНЬОМИ

● КОРАКАЛПОҒИСТОНда тош майдалайдиган яна бир йирик завод ишга тушди. Қаратофнинг Шайхжойли конидаги янги корхона йилига 1 миллион 100 минг кубометр қурилиш учун ғоят зарур материал тайёрлаш кувватига эга. Табнатининг мўл-кўл инъомини кайта ишлайдиган завод юкори кучланиши электр линияси, темир ва тош йўлга якни жойлашган. Бу куляйлик корхона маҳсулоти таннархининг жуда арzon бўлишини таъминлайди.

Завод «Оролсув қурилиши» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси томонидан белгиланган муддатда бунёд этилди.

КУНГАБОҚАР МАЙДОНИ КЕНГАЯДИ

● «ЎСИМЛИК мойига бўлган эхтиёж кескин ошмокда. Чимбой районидаги Коғим Аvezов номли совхоз — техникум аҳолининг ана шу талабити кондиришга хисса кўшиш ташабуси билан чиқкан эди. Ўтган йили бу ерда 30 гектар майдондан тажриба тарикасида кунгабоқар экилди. Ҳосил кутилгандан хам зиёда бўлди. Бир тонна хом ашё олинди. Оувул ихтироҷилари томонидан тайёрланган жувоз ишлатилиб, кунгабоқардан дастлабки мой олинди. Ҳосилнинг ярми эса ургулик учун саклаб кўйилди.

Мазкур совхоз тажрибаси Коракалпогистон республикасида кенг кулоч ёймокда. Бу йил кунгабоқар экиладиган майдонлар 4 марта кўпаяди. Айнокса, Қўнгирот районидаги Охунбобоев номли, Элликқалъа районидаги «Янгибод» каби жамоа хўжаликларида кунгабоқар экиладиган маҳсус участкалар ташкил этилди.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

● ТОШКЕНТ вилояти пассажирлар ташиш бошкармаси аҳолига яна бир куляйлик яратди. Чиноз районидаги «Олмазор посёлкаси Тошкент» шаҳри орагигидаги янги йўналиш бўйича автобуслар мунтазам катнай бошлади. Бу билан шахар типидаги мазкур посёлкадаги «Чиноз» совхоз-техникиум, «Олмазор» совхоз-заводи ва ўнлаб корхона, ташкилот, миассасалар меҳнаткашларининг оғирни енгил бўлди. «Ишонч» мухбири.



Инсон кўрки унинг қадди-коматига мос кийимида ҳам боғлиқ. Бу борада қўли гул чевар қизларнинг санъати даркор.

Суратда: Фотимахон Собирова «Юлдуз» тикувчилик-ишлабчиқариш бирлашмасининг илғор тикувчиларидан.

Кўлингиз дард кўрмасин, Фотимахон!

Суратчи: Алмурад МАМАДАМИНОВ.

Жиззах вилоятининг қишлоқ хўжалик ходимларидан 400 киши Қозогистон ва Кирғизистон Республикаларида саёхатда бўлиши. Саёхат сафарини вилоят касаба уюшмалари кенгашини, вилоят агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда «Ҳозирхона-башкармасининг Жиззах вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этиши. Саёхат йўлланмалари илғор пахтакорларга, чорвадорларга, галлакорларга, пиллакорларга, соҳибкорларга бепул тарқатилди.

Мухбиришимиз саёхат иштироқчиликни бир гурухи билан учрашиб, улардан хозирги бозор иктисодига ўтиш даврида меҳнаткашларни иктисодий химоялаш, яратилаётган шароитлар, шунингдек, ҷафар таассуротлари ва бошқа масалалар юзасидан олиб бораётган ишлари хакида сўзлаб беришни илтимос килди.

Қўлдош ПИРНАЗАРОВ — вилоят агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси котиби:

— Вилоятимиздаги ишлаб чиракчилик кучларининг асосини қишлоқ хўжалик ходимлари ташкил этади. Буларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл пахта, галла, чорва, полиз, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмокда. Ҳар куни, ҳар дақиқаси меҳнат билан ўтаётган инсонни эъзозлашимиз, уларга ғамхўрлик кўрсатишимиш лозим. Шунинг учун илғор ишчиларнинг санаторий ва профилакторийларда, дам олиш уларидан, экологик жиҳатдан тоза минтакаларда бўлишларига имкон яратмоқдамиз.

Ҳар ийли юзлаб кишиларга дам олиш масканларига йўлланма берамиз. Якинда эса Қозогистон ва Кирғизистон бўйлаб саёхатчилар поездини

ташкил этдик. Унда 400 нафар қишлоқ хўжалик илғорлари саёхатда бўлдилар. Ҳар иккала қардош республиканинг диккатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Жақсилик ҚУЗУРБОЕВ — Мирзачўл агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси:

— Бугунги дам — ёртанги ишга ҳамдам, — дейишида халқимиз. Бу маънода хозиргача 187 киши дам олиш уларидан бўлиши. Ийл охиргача 80 киши санаторий ва профилакторийларда дам олишади. 35 илғор ишчи

одамлар билан мулокотда бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари билан танишдик. Дўстлар ортиридик.

— Матлуба ҲАҚИМОВА — Задаробод район агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Мен 11 йилдан бўён шу вазифада ишлайман. Мехнаткашларга ғамхўрлик кўрсатиш асосий вазифамиздир. Саёхат поездига районимиздан 75 кишига йўлланма бердик. Ҳаммамиз яхши таассуротлар билан қайтишдик.

Бизда ишчиларга, уруш ва меҳнат

САЁХАТЧИЛАР САФАРДА БЎЛИШДИ

Хоразм воҳаснига саёхатга олиб борилди. 102 киши эса Қозогистон ва Кирғизистон Республикаларининг Чимкент, Жамбул, Олма-ота, Бишкек шаҳарларида бўлиб қайтиши. Улар таркибида «Янги дала», «Тошкент» давлат хўжаликларининг вакиллари бор эди.

Кўшбок БОЙЖИГИТОВ — Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги пахтацилик бригадаси бошлиги, 1960 йилдан касаба уюшмаси аъзоси:

— Районимиздан 24 киши саёхатчилар поездida Қозогистон, Кирғизистон бўйлаб томошага чиқдилар. Улар Жамбул, Олма-ота, Бишкек шаҳарларининг диккатга сазовор жойларини томоша килдилар. Бу ерда

ногиронларига, иктисодий қишинчликка учраган кишиларга ғамхўрлик кўрсатилмокда. Район жамгарма банкида 30 нафар етим болага хисоб варакаси очиб (ижтимоий таъминот бўлимидан тўланадиган нафакадан ташкил) уларнинг хисобига ҳар ойда 2000 сўмдан пул ўтказиб турибиз. Улар бу пулни узоқ муддатга жамгариш ёки айни кунларда харажат килиш хуқуқига эга. Яқинда улар бепулустки кийимлар билан таъминландилар. Райондаги Собир Рахимов номли, Охунбобеев номли ҳамда «Уч қаҳрамон» давлат хўжаликлари ўз ҳудудидаги мактабларнинг энг аълочи ўкувчилари учун ҳар бири 200 сўмлик 40 тадан стипендия ташкил киличиди. Стипендия хўжалик маъмурини ва

ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

Узбекистон металлургия заводида 1993 йил учун тузилган жамоа шартномаси кучга кирди. Маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси шартнома асосида бу йил кўпгина тадбирларни амалга оширишга бел боғлаганлар. Бу ҳақда завод касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Боймуротов жамоатчи мухбиришимизга қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Хозирги кийин шароитда бизнинг асосий мақсадимиз меҳнат кишисини бозор зарбаларидан асрар колиша уларни ижтимоий химоялашдир, — деди М. Боймуротов. — Чунки кучли ижтимоий сиёсатиз одамларни янги ишларга руҳлантириб бўлмайди. Шуни хисобга олиб биринчи навбатда ишчи-хизматчиларни уйли-жойли килишни, саломатликларни мустахкамлашни, корхонага меҳнати синган кишиларга кўшимча имтиёзлар жорий этишини дилга туғиб кўйдик.

Бу йил ишчи-хизматчилар учун 15 минг квадрат метр уй-жой қуриб берилади. Демак 164 оила янги уйли бўлади. Санаторий-профилакторийни кенгайтириш юзасидан ҳам ишлар бошланяти.

Бундан ташқари завод ишчилари учун санаторий ва дам олиш уйларни бериладиган имтиёзли йўлланмаларни йил давомида яна ҳам кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Ишчилар бу йўлланмалар кийматининг 20 фоизини тўлайдилар, холос. Ўз санаторий-профилакторийни изга аса йўлланмалар бепул берилади. Бунинг учун ишчи ёки хизматчи 5 йиллик стажига эга бўлиши керак. Иш стажига 5 йилга бўлган кишилар эса йўлланма кийматининг 15 фоизини тўлайдилар.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўттай. Санаторий-курортларда даволаниш учун кетаётган ишчилар транспорт харажатларининг ярмини завод хисобидан қопляпмиз. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида, зарурат туғилгандан Мустақил ҳамдўстлик давлатларида ўзини текширитиш, касалликни аниқлаш, протезлаш, клиникаларда даволаниш учун ҳам маблагларни завод тўлайди. Йўлланмани медицина-санитария кисми тавсияси билан маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси беради.

Шартномада ижтимоий йўналишдаги бошқа тадбирларга ҳам кенг ўрин берилган. Ишчилар дастурхонига сабзавот маҳсулотларини йил бўйи етказиб бериш мақсадида 2 та кичик

иссикхона қуришга киришдик. «Металлург» ўйингоҳи эса қайта таъмирланиб ундаги машиий хизмат шаҳобчалари кенгайтирилади.

Уй-жойларни хусусийлаштиришда эса ишчиларимиз бир катор имтиёзлардан фойдаланадилар. Агар ишчи ёки хизматчи 15 йилдан ортик иш стажига эга бўлса, хусусийлаштириш пули ярмига кискаради. 30 йилдан ортик иш стажига эга бўлган тақдирда уй-жой бепул хусусийлаштириб берилади.

Жамоа шартномасида ижтимоий неъматлар билан бир каторда меҳнат интизомини мустахкамлашга, кўва сифатли ишлаган ишчиларни рафбатлантиришга, ишлаб чиқариши кенгайтиришга қаратилган вазифаларни ҳам кўйилган. Агар ишчи ёки хизматчи узрли сабаблариз прогул килса йил якунлари бўйича бериладиган мукофотдан маҳрум бўлади. Прогул килган кунларини таътил ойи хисобидан коплади. Таътил кунлари ёз фасидан қиши фаслига кўчирилади, йил давомида имтиёзли йўлланмалардан маҳрум бўлади, хизматлари учун йил якунлари бўйича бериладиган кўшимча тўловлар ярмига кискаради.

Бу чоралар иктиносий бўхронлардан тезроқ чиқиб кетиши, колоқлини тутгатиши, одамларни бозор иктиносидети шаронтида аниқ ва унумли ишлашга ўргатиши мақсадида жамоа шартномаларига кирилган.

Шартномада ташкиларни бирин-кетин бажаришга киришмокдамиз. Унинг ишлаб чиқариши ривожлантиришга қаратилган бандини амалга ошириш мақсадида янги қурилиш-монтаж трести ташкил этдик. У асосан заводни кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари билан шугулланади.

Янги кучга кирган жамоа шартномаси асосида бу йил корхонамизда кўп ўзгаришлар бўлишига ишончимиз комил. Жамоамиз шартномада ташкиларни бажариш юзасидан дастлабки дадил қатамларни кўймокда.

Касаба уюшма қўмиталарининг қарори билан ҳар ойда аълочи ўқувчиларга бериб борилаятди. Президент фармонига кўра уруш ветеранлари хамда байнамилад жангчиларнинг чорваси учун бир тоннадан бепул ҳашак тарқатилди.

— Ирисбой ШОЙЗОҚОВ — Бахмал районидаги Тонготар ширкати хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ҳўжалигимизда 1180 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат кильмокда. Уларнинг унумли меҳнатлари туфайли йилига б ярим минг тонна узум, 8 минг тонна мева, 1,5 минг тонна картошка, 1000 тонна сабзавот етиштирмокдамиз. Ўтган йили 20 киши санаторийларда бўлиши. 4 киши Украина, 30 киши Қозогистон бўйлаб саёхатга бориши. Саёхатчилар поездига 10 кишига йўлланма бердик.

Бундан кейин 80 нафар кишини автобусларда Фарғона водийсига, Хива, Бухоро шаҳарларига саёхатга олиб бориш режалаштирилди. Ишчиларга ғамхўрлик ҳакида гапирадиган бўлсак, касаба уюшма аъзоларига арzon нархда 400 тонна сомон, 10 тонна галла сотилди. Қўп болали онлаларга ва уруш катнашчиларига 2 килограммдан бепул гўшт берилди. Ишчиларга куляйлик бўлсан учун электр куввати билан ишлайдиган иккита тегирмон қурилди, 5 километр ички йўллар таъмирланди. Ҳўжалик худудидаги хонадонларга газ олиб келиш учун ҳужжатлар тайёрланяти. Қишлоқларни газлаштириш учун 5 миллион сўм маблағ ажратилмокда.

Сұхбатдош: Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

КАСАБА
УЮШМАЛАРИДА«Ишонч» мухбирлари
хабар қиладилар:ИЛГОРЛАР
РАГБАТЛАНТИРИЛДИ

НАМАНГАН вилояти агросаноат уюшмаси бошқаруви ва вилоят агросаноат мажмуу ходимлари касаба уюшма күмитаси ҳайъати (1993 йилда чигит экиш мавсумини қулай муддатларда сифати қилиб ўтказиш ва тўла гектарлар барпо этиш бўйича ички тармоқ мусобақаларини уюштириш юзасидан қўшма қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорга мувофик экши мавсумини қулай муддатларда сифатли ўтказиб, 10 майгача гектарлар барпо этиш давлат ва жамоа хўжаликларини тақдирлаш учун ҳар бир райондан биттадан 11 та мукофотни ўрн эълон қилинди. Фолиб хўжаликларнинг ҳар бири 200 сўмдан пул мукофотига сазовор бўлади: Бундан ташкири, йил давомида дам олиш ўларига ҳар бирининг қиммати 20—25 минг сўмдан бўлган 5 тадан бепул ўлланмалар билан тақдирланади.

Пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси кишилкъ хўжалиги Вазирлиги ҳайъатининг ва Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуу ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси раёсатининг 1991 йил 5 декабрдаги ва 1991 йил 19 марта ги карорлари билан тасдиқланган республика ички тармоқ мусобақаси шартларига мувофик берилди.

ҚУТЛУФ ЁШИ
ШАРАФЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН энергетика ва электротехника саноати тизимида юз мингга якин киши ишлайди. Улар 150 та бошлангич касаба уюшмаси ташкилотлари сафига бирлашган бўлиб, шу тармоқ бўйича республика касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси асосини ташкил этадилар. Ҳалк хўжалиги барча жабхаларида ишлаб чиқарини тебратишда асосий роль ўйновчи энг муҳим соҳа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасига касби бўйича электрик муҳандис, ўта камтариш, камсукум, ҳалол, хокисор, беминнат меҳнат соҳиби Ҳосил aka Саматов ўттиз йилдан бўён раҳбарлик қилиб келмоқда. Куни кечга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида у кишининг 60 ёшга тўлганлиги нишонланди. Юбилиярни тармоқдаги корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, барча тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кўмиталари раҳбарлари, ҳамкаслари, ёру дўстлари, кариндошуруғлари муборак ёши билан кутлашди, шарафлаши.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши роиси Б. А. Алламуродов X. Саматов кўп йиллар самарали ва ҳалол ишлагани ҳамда 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан кенгашнинг фахрий ёрлиги билан мукофотланганини ўзлон қилди ва фахрий ёрликни Ҳосил акага тантанали суратда топшириди. Уни барча касаба уюшмалари аъзолари номидан кутлуф ёши билан табриклиди.

ЎҚИТУВЧИЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

НАМАНГАН вилояти касаба уюшмалари кенгashi ва тармоқ кўмиталари бозор иқтисоди муносабатлари вактинча келтириб чиқарган кийинчиликларни бартараф этиш учун ахолининг барча қатламиини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўрмоқдадар. Бу борада Задарё районидаги амалга оширилаётган ишлар дикката сазовордир. Ҳалк таълими ва фанходимлари касаба уюшмалари кўми-

УЗБЕКНИНГ номини дунёга машҳур қилган миллий либослар, қўёш нурларини ўзида муржассам этиш рангоранг кашталар, ироқи дўпилар кимни мафтун қилмаган дейсиз. Уларни кузатаркансиз, қалбингиизда шарқона фахрни, саҳоватни туясиз. Зотан, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган миллий санъат намуналарини асрар-авайлаш, уларни баркамол ижод тариқасида келажакка инъом этиши — бу соҳа жонкуярларининг гайрат-шижоатига, изланувчанилигига боялини.

«Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш корхонасида бўлганимизда ўз номига муносиб маҳсулотлар чиқараётган қўли гул чеварлар билан танишдик. Корхона бош муҳандиси Абдурашид АЛИМБОЕВ билан меҳнаткашлар меҳнатини муҳофаза қилиши ҳақида суҳбатлашдик.

МЕХНАТГА МУХАББАТ

— Абдурашид ака, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳақида фикрингиз қандай?

— Лойиҳани катта кизиши ва қувонч билан ўқиб, танишиб чиқди, — дейди у. — Унда баён этилган фикрлар айнан меҳнаткаш меҳнатни муҳофазасини тўғри таъминлаш ва уни ҳимоя килишга каратилгандир. Мустакиллик шабадаси эсгандан бўён оддий касб эгаларида ҳам ўз хунарига кизиши ошиди. Демакки, ишчининг руҳи баланд, меҳнатига яраша даромад олади.

Лойиҳанинг 11-моддасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига ажратиладиган фойдага солик солинмайди» деган кўрсатма айниска, бизга жуда маъкул бўлди. Бу ҳам бизлар учун бир ғамхўрлик нишонасадир. Лойиҳанинг 29-моддасида баён этилган фикрлар анча мулоҳазали эканлигини таъкидламокчи эдим. Бизда мураккаб

техника билан ишланмайдиган юмушлар ҳам бор. Масалан, дўппи тикиши олайлик. Арзимаган шошқалоқлик туфали тирноғи жароҳатланган, игна кирган ишчига — жабрланувчига йиллик маошибдан кам бўлмаган нафака белгиланиши ўринлимикин?

— Кадрларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида тўхтассангиз.

— Корхонамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қиласиди. Икки ярим минг кишилик катта жамоамида ўз-ўзидан равшанки, асосан аёллар меҳнатига ўтиб берилади. Меҳнат турларида ишлаш учун алоҳида олийгоҳларни ёки мутахассислик бўйича ўкув юртларини тамомлаш шарт эмас. Шу боис биз асосан санъатга мойил яъни каштачиликка меҳри бор чеварларга аҳамият берамиз. Уларни ишлатадиган дастгоҳлари, техника хавфсизлиги қоидалари билан З ойлик курсда танишириб борилади. «Техника хавфсизлиги» хонаси ташкил этилган бўлиб, унда Елена Черткова,

Наргиза Норматова ва Мукаррам Мирзаҳмедова сингари мутахассислар ёшларга сабоқ берадилар.


Ёш болали аёлларга нафака тўлаш, боғчаларга жойлаштиришда алоҳида ғамхўрлик қилинади. Корхонамизда бўйлиги даромади 25 миллион сўмни ташкил этади, шундан 1,5 миллиони ишчиҳизматчиларнинг меҳнати муҳофазасига сарфланади.

— Ҳом ашёни асосан қардеран оласизлар?

— Бозор иқтисодиёти ишларимизда анча-мунча кийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган бўлса-да, истикболга ишонч билан қарашга даъват этмоқда. Корхонамизда асосан учта — бадиий каштачилик, дўппи, попоп цехлари фоалият кўрсатади. Хар бир цехда 15—20 хилдан ортик маҳсулот чиқарилади.

Хом ашёни асосан республикамизнинг барча тўқимачилик корхоналаридан оламиз. Шунингдек, Россия, Белорусия, Литва ва қўшни Тожикистандан шойи ҳамда духобалар олинади. Ҳозирча хомашё танқислиги сезилгани йўқ. Ишлаб чиқариши бир маромда бораётпи. Меҳнат жараёнда шикастланиш, баҳтисиз ҳодисалар юз берини олдини олиш учун барча тадбирлар ишлаб чиқилган. Биз муҳандисларнинг максадимиз дастгоҳларнинг ҳамиша соз ишлашига, янги техника ва технологияни ишлаб чиқариши жорий этишида ишчиларнинг билимдонлик савиинини оширишга қаратилган. Иш бехатар, соз экан, жамоанинг ҳам кўнгли чоғ бўлади.

Норинисо ҚОСИМОВА.
«Ишонч» мухбири.



Чирчиқдаги «Электрохимпром» корхонаси маҳсулотларига бўлган талаб йил сайн ортиб бормоқда.

Суратда: аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехи бошлиги Шахриёр Самадов (ўртада) слесарь Равиль Байрамов ва Раҳим Ергашев билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

таси бугунги мураккаб шароитда ўқитувчиларни моддий жихатдан қўллаб-кувватлаш масаласида маҳаллий ҳокимиятга мурожаат килган эди. Касаба уюшмасининг талабига биноан биринчи навбатда киши мавсуми бошларидан ҳар бир ҳалк таълими ходими учун маҳаллий бюджетдан ёқилти сотиб олишга 700 сўмдан пул берилди.

1993 йилнинг дастлабки ойларида муаллимларга яна бир ғамхўрлик кўрсатилди. Йўлкира учун сарфланадиган маблагнинг тенг ярми ҳокимият ҳисобидан копланадиган бўлди ва у ойлик маошга қўшиб берилайти. Бундан ташкири кооператив уйларда яшайтган ўқитувчиларнинг турар жойларни хусусийлаштиришлари чоғига тўланмай қолган пули қанча бўлишидан катъий навзар зинмасидан сокит қилинди. Унинг ўрнини қоплаш учун тегишилда даражада қўшимча маблаглар ажратилди.

ЧЕVAR
КИЗЛАР

Хамид Олимжон хиёбонидан ўтиб «Сангзор» кўчасига киришими билан чап томондаги бинодан тикув машиналарининг шовкини чиқаётгани эшитилди. Бинога разм солдик. «Ахолига майший хизмат кўрсатиш комбинатининг 10-чех филиали» деб ёзиб кўйилди. Унда 20 нафар кизлардан бошларидан кимлар эканлигини сўрадик: «Раъно опамлар, Жамила опамлар», — деб жавоб берилди. Шундан сўнг улар билан савол-жавоблар бошланниб кетди.

Маълум бўлнишча Раъно опамининг фамилияси Юсупова экан. Она филиал бошларига вазифасини бажариши билан бирга Шароф Рашидов майдони яқинидаги бинода — асосий иш жойида иш боши ҳам экан. Асосий иш жойида 120 киши турли кийим-кечаклар тикишиб, уни таатборларга ўз вактида етказиб бериштаётган экан.

— Жамила опаларинг ким? — сўраймиз кизлардан.

— Ҳўш, хизмат? — Мен Жамиламан. Фамилиям Муҳиддинова, — ўзини таништириди хушрўйгина аёл.

— Шу ерда бригадирмисиз?

— Ҳа, шундай.

— Цех ҳақида, ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Марҳамат. Сиз кўриб турган ушбу цех ўтган йилнинг апрель ойида ташкил бўлган эди. Шундан бўён ушбу кичик корхонага бошчиллик киляпман. Ҳоналаримизга II та тикув машиналари ўнатилган, уларда 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилиштаёт. Ҳамоамиз чаккон, эпчилиб чиқардиган топган. Улар берилган буюртмани тез, соз ва чиройли килиб бажаришади. Ҳалат, кўйлак, плаш, костюм, шим, курткалар ўта бежирим равишда бичилиб тикилаёт. Бу ишларни бажаришда Гулзода Очилова, Гулбахор Раҳмонова, Мўтабар Аҳмедова, Шоҳида Фозилова, Шонра Саъдullaева, Манзура Ҳолматолова алоҳида жонбозлик кўрсатаятилар.

Цехимизда миллий кийимларни тикишга алоҳида ўтибор берилайти. Яъни, зарли камзул, гул босилган кўйтак, салом бериш вақтида ўрладиган рўмол, заргарни ёпничиктар тайёрланайти. Каштачилик усули билан тикилаётган буюларни асосан, Гулбахор Раҳмонова тайёрлайди. У миллий кийимларга зарни кашта килиб тикишда устаси-фаранг бўлиб кетган.

...Кичик жамоанинг бошлиги Жамила Муҳиддинова ўн беш йилдан бўён майший хизмат кўрсатиш комбинатидан ишлади. У аввал каеб ўрганиши мактабида таҳсилилди. Кейин кўп йиллар тикувчи бўлиб ишлади. Меҳнат фаолияти давомида юзлаб, минглаб буюртмаларни аълоҳида даражада бажарди. Буюртмачиларнинг олкинига, хурматига сазовор бўлди. Шу билан бирга ўнлаб ёшларга тикувчилик сирларини ўргатди. Ҳозир бу ёшлар ҳам устози Жамила Муҳиддинова изидан бориб тикувчилик килишайти. Касби — корларини шарафлашайти. «Ишонч» мухбири.



САРДОР

ЎЗБЕК халқининг кадим-кадимлардан сакланиб келаётган урф-одатларидан бири элга ош беришdir. Бошида киз узатиш борми, келин туширадими ёки неварасининг тўйими тўй эгаси эл-юрга, маҳалла-кўйга ош беришни орзу килди. Отабоболаримиз ният билдирганларида топган-тутганинг тўйга буюрсин, деб дуо киладилар. Накадар эзгу ният. Ҳаммани тўйга етказсан.

Хар тонг таклиф этилган тўйга бориб колсангиз, эшик олдида қўлларини кўксига кўйиб, сизни кутиб оладиган катор қарияларга кўзингиз тушади, дилингиз ёришиб кетади. Қарияларнинг аксарияти шу маҳалланинг оқсоқолларидир.

Тошкентнинг Юнусобод районидаги Абдурахмон Жомий номли маҳалла оқсоқолларидан бири, меҳнат фахрийси, табаррук Юсуф ота неварасининг туғилган куни муносабати билан элу юрга ош бермоқда. Тўйга маҳалла сардори — Жомий маҳалласининг бошлиғи Ғуломходжи Хошимов бош-қош. Ташириф буюрган меҳмонларни жой-жойига ўтқазишдан тортиб, иссик нону чой кўйилишигача кўз-кулок. Халкимиз орасида «Сен дўстингни кўрсат, сенинг кимлигини айтиб бераман», деган макол бор. Мен шу мақолни «Сен қайси маҳалла яшайсан, сенинг кимлигини айтиб бераман», деб ўзгартириб айтгим келади. Чиндан хам жуда тинч ва осойишта, ахил маҳалла» дейилса, маҳалладошларнинг бошлари осмонга етади. Ахил ва инок, тинч ва осойишта маҳалла бўлиши, биринчи ўринда маҳалла сардорига боғликдир. Ғуломжон ота Хошимов увалижували, кўпни кўрган табаррук инсон. Беш ўғил, иккни кизнинг отаси. Фарзандларининг бари уйли-жойи, ўзига тинч, элемизнинг ардокли кишиларидир. Катта ўғил Faafur архитектор, подполковник бўлса, ундан кичиги Faafur Оқкўрғон район бош архитекторидир. Катта кизи Шонира Хўжакўрғонда ўқитувчилик килади. Кичиги Севара боғчада тарбиячи. Ўзига тинч ва тўйку бу хонадоннинг стажони Ғулом ака мана уч йилдирки маҳалла ахлининг илтимоси билан Жомий маҳалласига раислик килади.

Худога минг катла шукурким, маҳалламиз тинч ва ахил, — дейди раис. — Шунинг учун бу маҳаллада ишлаш фахрийидир. Маҳалламиз ўрни бир пайтлар гулзор бўлган. Шахримизнинг энг антика гуллари шу ерда етишириларди. Бу гулзор уй-жойларга бўлинниб берилди-ю Жомий маҳалласи пайдо бўлди. Ҳозирги кунда олти мингдан зиёд одам истикомат килади.

Ғулом ака маҳалладаги фаолиятини катта-кичик қурилишлар туфайли кўчаларда ёпилиб кетган арикларни тиклаш билан бошлади.

— Агар кўча ариклари тикланмас экан, маҳалла обод бўлмайди, — дейди у. — Аммо баъзи хонадонлар арикларга ҳамон ахлат тўкиб, ифлослантирилмоқдалар. Биз энди бундай ахволга бефарқ қараб туролмаймиз. Шундай хонадонларга дашном берамиз.

Маҳалла жойлашган майдонда «Шарқ» ёзги кино-театри бор эди. Шу томошагоҳ ташландик, бунинг устига номаъқулгарчиликлар бўлиб турарди. Ичиб олиб, тўполон чикарувчилар худди шу ерга тўпландарди. Бундай ахвол маҳалла ахлининг жонига тегиб, фахрийлар бу ерга одоб ва ахлокни тарғиб қилувчи мачит қуришини ғаклиф этилар. Бу тақлиф маҳалла ахлига маъқул келди.

Биринчи гишт кўйилди. Қурилиш бошланди. Ҳозир мачит битиш арафасида. Бундан бутун маҳалла оқсоқоллари бехад мамнун.

Ғуломходжи Хошимов ўттиз йилдан ортиқ Тошкент шаҳар кенгашида ишлади. 1966 йил кучли зилзила туфайли вайрон бўлган шаҳримизни кайта қуришда фаол катнашди. Кўксини «Тошкент қурувчиси» нишони безаб турибди.

— Қурилаётган мачит ёнида маҳалла тузарини ташкил этамиз, — дейди у. — Озик-овкат ва кийим-кечак магазини, новвойхона, сартарошхона ва унинг ёнида чойхона қурилишини яқин кунларда боштаб юборамиз.

Маҳалламида 36 уруш ногирони, 240 меҳнат фахрийи истикомат килишиади. Биз доимо ўларнинг холаҳволидан хабардор бўлиб турисига ҳаракат киламиз. Шунингдек, маҳалламида истикомат килувчи етим-есирлар ва кам таъминланган, кўн болали оиласларга ёрдам бериб турисини хам асло унугтанимиз ўқ. Якнида бир неча оиласга 2000 сўмдан ёрдам пули бердик. Маҳалланинг ибратли ишларидан яна биро ишларни килиб кетаверилган кўча номларини ўзбекластирилаётгандир. «XXII партсъезд» кўчаси Баҳоуддин Накшбандий. Н. Данченко—Зухриддин Нуридинов, «Золотарёв»—Собир Мухаммадов кўчалари деб аталиши маҳалла ахлини мамнун килди. Маҳаллада ҳали номи алмаштириши зарур бўлган бундай кўчалар анча-мунча. Бу кўчалар хам ўзларининг асл номларини топади, деб ишонса бўлади.

Тўлкин ИМОМОҲУЖАЕВ.

маросими бўлиб ўтганди. Вилоят, район, шаҳар раҳбарлари, турли жамоалардан меҳмонлар ташриф буюришиди. Ана ўшанда Салим аканинг қанчалик ташкилотчилиги яққол билиниб қолди.

Қисқа вақт ичиди бу ерда маҳалланинг тўрт ҳоналики янги биноси қуриб битказилган, 74 минг сўмлик («эски пул ҳисоби билан») асфальтлашириш ишлари бажарилган. Бино атрофлари нақшинкор панакаралар билан тўсилган. Бир томонда нон дўкон, бир томонда гўшт дўкони, сомсахона, пойафзал таъмирлаш устахонаси...

ОҚСОҚОЛ

Кўйингки, балиқ пишириш хонасидан тортиб дорихонагача бор! Бундан бир неча йил муқаддам бевосита Салим аканинг ташаббуси билан шу ерда ҳовуз қаздирилиб, атрофига тол-тераклар экилганди. Марҳамат, келиб сояланг, дам олинг.

— Яна нима қами қолди маҳалланинг? Бу маҳалланинг «Салимобод» деб атасакмикин?

— Бе-е, — кулади оқсоқол, — ҳали асосий иш битганий ўқ. Насиб қисса маҳалла қўмитаси биноси ёнида шаҳардагидай яшил бозор қуриш ниятимиз бор.

Салим ака оиласида фарзандларнинг меҳрибон отаси, невараваларнинг суюкли бобоси. Оли ўғил, бир қиз, ўндан ортиқ невараси бор. Кўз очиб кўрган турмуш ўртоги Майрам опа бундан ўн иккни йил аввал оламдан ўтган. Иккинчи хотини хам жуда оқила аёл чиқди. Ҳамиша фарзандлару невараваларга гирриттон. Одамийлик фазилатлари билан маҳаллада эътибор қозоняти.



Катталар келажак авлод тарбиясига масъулдирлар. Айниқса, оиласлар посбони бўлган маҳалла қўмитаси бу борада фаол ва зийрак бўлса, демак эртаниги кундан умид катта. Тошкент шаҳрининг 1-Чарх-камолон маҳалласида бўлган навбатдаги йиғин шу мавзуга бағишланди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Чилонзор район ҳокимлиги томонидан уюштирилган бу мулоқотда маҳалла оқсоқоллари, мураббийлар, онахонлар, ёзувчилар, олимлар ва ёшлар қатнашдилар ва дил-дилдан сұхбатлашиб олдилар.

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.



МУҚАДДАС ОСТОНА

«Ватан остонодан бошланади», дейдилар. Маҳаллаларимиз эса Ватанинг — Ўзбекистонимиз мукаддас остоналаридир. Республика мукаддас остоналаридир. Рееспубликамиз бўйинча «Маҳалла» дастурининг кабул этилганлиги, уни амала ошириш ҳамманинг диккат-эътибори турганлиги бежиз эмас.

Якнида Қарши шаҳрида «Маҳалла» хайрия жам-

лиши. Мурожаатномада юртдошларни хозирги иктиносидай кийин шароитда бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, етим-есирларнинг ёрдамга муҳожжарларниң бошини силашга келган маҳаллалар чакирадиган сўзлар би-фаоллари, фахрийлар, тилган. Шунингдек, обожамоатчилик вакиллари донлаштириш ишларини Карши шаҳридаги намуни маҳалла қўмиталари ишлари билан танишдилар. Семинар-кенгаш катнашчилари Мурожаатнома хам кабул ки-

Мурод КЕНГБОЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўнинг яқин қўшниси Жавҳар момо Имомова вафот этиб қолди. Ҷули Россияда. Қаровчисиз қолган 73 ёшли Жавҳар момони Салим ака бosh бўлиб, мусулмончиликнинг барча урф-одатларига кўра дағн этилар. Эрини кутиб қалбидар армон билан кетган 93 ёшли Миллик момо Орзиева, гарibu нотавон Маъмурда Очиловаларни хам маҳалла аҳли иззат-икром билан сўнгги манзилга кузатди.

Баъзи оиласларда қўйди-чиқди, жанжал можаро чиқиб туради. Эр-хотинни яраштириб қўяркан, Салим аканинг ҳамиша тақрорлаб турадиган шундай гали бор: «Эр ёки хотин патёён пластинкаси эмаску, ёқмаса у ёқа, ё бу ёқа ағдариб қўяверсан...», «Болани тириклийн сағир қолдирадиган эр хам ўлсин, хотин хам...» «Бир кун жанжал чиқкан уйдан қирқ кун хайр-барака кўтарилади...»

Умуман, Н. Үринов номли маҳаллада ажралашлар бошқа маҳаллалардагига нисбатан анча камлигига ишониш мумкин.

— Эҳ-хе, ҳали маҳалламида бажарилиши зарур ишлар жуда кўп, — деди оқсоқол сұхбати давом этириб. — Лутфий, Амур, Эргаш Ҳолматов, Усмон Юсупов номли қўчаларни ичмилк суви билан таъминлаш масаласи чатоқроқ. У ёқса чопаман, бу ёқса чопаман, ҳал бўлмаяти. Бош омон бўлса, барибир, қўймайман...

Ха, Оқтош шаҳрида ана шундай ажойиб инсон яшайди. 1952 йилдан 1968 йилгача Темир йўл транспорти соҳасида ишлаган, нафақага чиққунга қадар район аграсаноат ўюшмаси таъмилаш корхонасида меҳнат қилган, эндиликда бемалол фарзандлар, неваралар хузурда ҳузур-ҳаловатда яшаса ҳам бўладиган 62 ёшли оқсоқол эл-юрг ташвишида югурниб-өлиб хизмат қилишини умрининг мазмуни деб билади. Маҳалладошларнинг ишончи эса унга куч-куват.

Тошпўлат ТОШМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти.

ОЗ ЭМАС, кўп эмас, узлуксиз 38 йил шаҳардаги каттагина бир маҳаллага раҳбарлик қилиш осонмикан? Шунча йил давомида маҳалланинг тўй-маъракаларига бош-қош бўлиш, одамларнинг дард-ташвишлари, қайгуғамлари-ю шодликларига шерик бўлиш... Оқсоқолдан бирмунча иродат, сабр-тоқат, юксак ташкилотчилик қилинадими?

Салим ака Аҳмедов тиниб-тинимаган одам. У оқсоқол бўлган Норбўта Үринов номидаги маҳаллада бугунги кунда 16 та кўча бор. 518 та оила, жами 4 минг нафар одам истиқомат қилади. Беш юз ўн саккис оила, бу — беш юз ўн саккис ташвиш, худди шунча шодлик деган гап. Қайси хонадон тўйга тайёрланяпти, қайси хонадоннинг бошига мусибат тушган, қайси хонадон аҳил-иногу қайсиинисида келин ёки қайнона мажароси бор — ҳаммаси маҳалла отаҳони учун беш қўлдай аён.

Аслини олганда маҳаллага оқсоқоллик қилишга ҳар кимнинг ҳам юраги бетлайвермайди. Чунки яқин-яқингача маҳалла қўмиталари раислари бир тийин ҳам маош олмасдан ишлашлари бўлган. Яхшиям, республика музик Президенти фармонига кўра уларга маош тўламоқда. Лекин гап маошда эмас. Маҳалла учун ҳали у керак, бу керак, ниманидир қуриш лозим, қандайдир таддир ўтказиш зарур...

— Урганиб қолганим, ишсиз туролмайман, — дейди Салим ака, маҳалла ташвиши деб тонг-азонда уйғониб, неча-неча идорага бош уришга тўри келади. Лекин маҳалла манфаати учун битадиган ишни деб баъзи раҳбарларни катта йигинларда танқид қиламан, баъзиларига ҳатто ялинишга тўрги келади, баъзан илтимос билан иш битиб қолаверади. Буёғини сўрасан-гиз чўнтағингизда, тўғрироғи, маҳалла ҳисобида бир тийин ҳам маблағ бўлмасдан туриб ўёки бу ташкилотдан бирон ишни «ундиришига» уриниш инсофдан эмас. Начора? Ўзим ёмон кўринсанам ҳам маҳаллам яхши бўлсин...

Утган йили маҳалланинг янги биносини топшириш

УЗБЕКИСТОН халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси кейинги ийларда республикамиз вилоятларида «Очиқ ҳатлар куни» ўтказиш орқали тармоқ меҳнаткашлари вакиллари билан ошкора мuloқot олиб бориши анъана-га айланниб қолди. Навбатдаги бу мўхум тадбир Хоразмда бўлди. Мuloқotни халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси М. О. Абдураҳмонова кириши нутқи билан очди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов муаллимларни иқтиносидий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишида катта фаолият кўрсатаётгани туфайли бу соҳада бир қатор амалий ишлар қилинаётгани қувончли самара берадигани, шу боис халқ маорифи ва фанни ривожлантиришида дуруст силжии юз берадигани хусусида республика халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раисининг мувонини А. Ш. Султонов ахборот берди. Шундан сўнг ошкора савол-жавоб бўлди. Саволларга А. Ш. Султонов, Марказий Кўмита молия бўлими бошлиги А. Абдувоҳидов, меҳнат техника бош инспектори Э. Д. Гойпназаров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг мувонини И. Хайтов жавоб қайтардилар.

Урганч шаҳар халқ-таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Г. Жумуротова:

Езги болалар дам олиш оромгоҳларида сарфланадиган маблағлар тўғрисида тушунтириш берсангиз...

А. Абдувоҳидов: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1993 йил 12 марта даги 06—25 ракамили ҳатига асосан 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир болалар учун кундалик харражат миқдори кўйидагича қилиб белгиланган: шаҳардан ташқаридаги болалар дам олиш оромгоҳларида овқатланиш учун — 122 сўм, санаторий типидаги оромгоҳларда — 140 сўм, кунлик дам оладиган оромгоҳларда — 82 сўм 50 тийин, талabalар соғломлаштириш оромгоҳларида — 84 сўм 20 тийин, даволаш ва дори-дармонлар учун — 14 сўмгача ҳамда маданий хизматлар ва бошка харажатлар учун эса 2 сўмгача сарфланади.

Хива район халқ таълими бўлимига қарашли Фируз номли мактаб директори Д. Раҳимов:

Аввал ўқитувчи бўлиб ишлаган, маълум давр ичига халқ хўжалигининг бошка соҳаларида ишлаб нафақага чиккан нафақачилар Президент фармонида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланишга ҳаклими?

А. Султонов: Педагогик ва илмий-педагогик ишлаб муддати 10 йилдан кам бўлмаган, бирок бошка ташкилот, корхона ёки муассасада ишлаб келиб нафақага чиккан ходимлар майший хизматлар учун имтиёзли ҳак тўлаш хукукига эга эмаслар.

Хива район халқ таълими бўлимига қарашли Миршаропов номли мактаб директори Н. Ботиров:

Мактабда бош кашшоф бўлиб ишлайдиган, аммо маълумоти хозирча ўрта бўлса, унга қайси миқдорда ҳак тўланади?

И. Хайтов: Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 43/10—1 ракамили тушунтириш ҳатига асосан ўрта маълумотга эга бўлган бош кашшофларга 4 разряд асосида 3800 сўм миқдорида ҳак белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 1 апрелдан «Мехнат ҳаки, пенсия ва стипендияларнинг миқдорини ошириш»

тўғрисидаги Фармонига биноан юкорида кўрсатилган маош миқдори 20 фоизга ортади.

Гурлан район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раис мувонини С. ЖУМАНИЁЗОВА:

Мактабда ишлайдиган бош кашшофлар, техник ходимлар, лаборантлар ҳам Президент фармонида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадиларми?

Шу нарсани ҳам қайд этиш қеракки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1993 йил 7 апрелдаги 26—7 сонли карорига асосан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан шу йил 1 майдан олий ва ўрта-маҳсус ўкув юртлари талаба ва ўкувчилари учун санаторийларга, даволовчи пансионатларга, санаторий-профилакторийларга ҳамда пархезбоп овқатланишга бериладиган йўлланмаларнинг 20 фоизи текин, 80 фоизи эса қийматнинг 10 фоизи, пансионатлар, дам олиш уйлари, базалари ҳамда туризм йўлланмаларнинг 10 фоизи текин, 90 фоизи эса қийматнинг 10 фоизи миқдорида ҳаки тўлаттирилган ҳолда бериш меъёрлари жорий этилди.

Бундан ташқари мактаб ўкувчиларининг оромгоҳларига йўлланмаларнинг 50 фоизи текин, кўлганлари эса қийматнинг 10 фоизи миқдорида ҳаки тўлаттирилган ҳолда бериладиган бўлди.

Янгиарик район халқ таълим бўлимининг ҳисобчиси С. Бобоназаров:

Ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларнинг меҳнат таътиллари учун оладиган ҳак миқдори кандай тартибда тўланади?

А. Султонов: Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлигининг 18.01.93 йил № 1/7 ва Ўзбекис-

ОШКОРА МУЛОҚОТ

А. Султонов: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва ўкув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар» ҳакидаги фармонига асосан бош кашшофлар имтиёзлардан фойдаланишга ҳаклирилар, бирок мактабда ишлайдиган техник ходимлар, лаборантлар, хўжалик бўйича директор ўринbosарлари бу имтиёзлардан фойдаланиш хукукига эга эмаслар.

Урганч давлат университети касаба уюшмаси қўмитасининг раиси А. Чўпанов:

Йўлланмалар нархи хозирги кунда ошиб бориши даврида уларга тўланадиган кисман қийматини коплашда ўзгаришлар борми?

А. Абдувоҳидов: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1991 йил 12 апрелдаги № 7—5 сонли карорига асосан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 1991 йил 1 июлдан санаторийларга, даволовчи пансионатларга, дам олиш уйларига йўлланмалар бериш кўйидаги меъёрларда белгиланган:

Йўлланмаларнинг умумий ҳисобидан 10 фоизи — текин, 70 фоизгача қийматнинг 10 фоизи ва 20 фоизигача — қийматнинг 30 фоизи миқдорида ҳаки тўлаттирилган ҳолда берилади.

олмаслиги ҳакидаги берилган хужжатга асосан меҳнат килаётган оила аъзоларидан бирининг иш жойидан ёрдам пули олиши мумкин. Ишчи ва хизматчилардан ёки оила аъзоларидан бирортаси вафот этса, у ҳолда уларнинг иш ёки ўқиш жойларидан ёрдам пули берилади.

Ҳонқа район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси С. Раҳимов:

Нафақага чиккан ўқитувчи кишлоқда яшаб, шаҳар мактабида ишласа ойлик маошини ва нафақасини тўлиқ олишга ҳаклими?

А. Абдувоҳидов: Собиқ СССР-нинг 1990 йил 15 майда «СССР фуқароларни нафақа билан таъминлаш» тўғрисидаги қонунининг 11-бўлими 24-моддасига биноан (хозирги кунда ўз кучини йўқотмаган) мактаб маъмурияти билан тузилган кисқа муддатли шартнома асосида ойлик маоши ва нафақасини тўлиқ олишга ҳаклидири.

Бир гурух бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарларидан тушган савол:

Нарх-наво ошайяпти, бу ўринда ўкувчиларнинг нонуштаси учун қандай имтиёзлар кўзда тутилган?

А. Султонов: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринbosари И. X. Жўрабеков томонидан 1993 йил 25 март куни тасдикланган «Мактаб ва талabalар ошхоналари ҳамда буфетларида ўкувчи-лар ва талabalарнинг бепул ва имтиёзи овқатланиши учун харражатларни коплаш тартиби» ҳакидаги хужжатга асосан 1—5 синиф ўкувчиларининг ҳар бирiga бир кунда 7 сўмлик ҳисобидан бепул нонушта берилади.

Куни узайтирилган гурухлар ҳамда 6—11 синиф ўкувчилари учун мактаб ошхоналари ва буфетларида бир марта овқатланиш қиймати 50 фоизга камайтирилади. Мактаб ошхоналаридаги тушлик ҳаки калькуляция бўйича 22 сўмдан ошмаслиги лозим.

Бир гурух мактаб директорлари ва ўқитувчиларнинг саволи:

— Ишлаб чиқаришда олган жароҳати учун тўланадиган товон миқдори кайси тартибда амалга оширилади?

Э. Гойпназаров: Ўзбекистон Республикаси вазирлигининг 1992 йил 5 сентябрдаги 8/24, ижтимоий таъминот вазирлигининг 1992 йил 18 сентябрдаги 18/14 ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1992 йил 18 сентябрдаги 69-Д сонли қўшма қарорларида ва шу қарорларга 1993 йил 6 январда 1/6, 24/01, 22—9 раамлари билан киритилган ўзгаришлар бўйича ишлаб чиқаришда олган жароҳати туфайли товон тўлаш миқдори белгиланган. Тўланадиган бадал миқдори юзасидан батафсил жавоб олиш учун сиз район, вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитасига ёки вилоят касаба уюшмалари кенгашига мурожаат этишингиз мумкин.

Сахифани Асқарали ШОКИРОВ тайёрлади.

БЕЗОВТАЛИК

БУНДАН чорак аср муқаддам Мўйноқ шаҳрида туни бўйи ухлай олмасдан безовта бўлиб чиққан эдик: Орол дengизининг бешик-бешик тўлқинлари соҳилга шиддат билан бош уриб, ер қаъридан гувиллаб эшишилган сас ўрганмаган одамни ухлатгани қўймасди...

... ОРАДАН шунча йиллар ўтди. Яна Мўйнокдамиз. Денгиз собиқ баликчилар шаҳридан кариийб 125 километр узоклашиб кетган. Оролнинг курий бошлаши натижасида 3 миллион гектар майдон саҳрора айланган. Денгизнинг куриган тубидан йилига 150 миллион тонна тузли чанг-тўзон осмону фалакка кўтирилиб, наинки Коракалпогистон ва Хоразмга, балки Туркманистон мамлакатининг Тошхувоз, Козогистоннинг Кизилурда вилоятларига, узок-узоклардаги давлатларга хам учуб бормокда. Кизилкум ва Коракум бирлашиб кетишдек даҳшатли хавф таҳдид солмоқда. Хўш, ана шу экологик оғат исканжасида мислесиз азоб чекётган, дунёдаги болалар ўлеми энг кўп юз бераётган Коракалпогистон Республикасида болалар ва ўсминаларни согломлаштириш юзасидан қандай ишлар килинашти? Бизни худди ана шу саволлар безовта килиб, Мўйноқ шаҳрига бу гал борганимизда хам сахармаронгача кўзимиз илинмади.

Маълумки, хар бир давлатнинг ривожи хам, инқизоти хам болалар ва кексаларга килинган талаб даражасидаги замонийлик билан ўлчанади. Даражакват, болалари соглом мамлакатнинг бели бақувват бўлади. Аммо, экологик фалокатнинг кок марказида жойлашган Коракалпогистонда маҳаллий ҳукумат харажатлари хисобига бу борада кўнгилдагидек иш олиб боришга имкониятлар чекланган. Чунки, Оролбўйин минтақасини согломлаштиришга ўналтирилган болалар ва ўсминалар лагерлари, махсус санаторийлар йўқ. Болаларни согломлаштириш учун факат республика ҳудудидан ташқарига юбориш мумкин. Бунинг учун кўп микдорда маблағ, эътибор, ташвишу елиб югуришлар даркор. Бу масалалар касаба уюшмаси Коракалпогистон Федерациясининг ходими Марат Қалмантаевни хам кўп вактдан бўён безовта киларди.

— Ҳалкимиз болажон, меҳру шафкатли, оқибатли. Уруш йиллари миллионлаб болаларга ўзининг иссиқ бағридан жой берди. Шундай экан, ниможон, касалванд болалар ва ўсминаларнинг саломатлигини тўла таъминлаш, уларнинг республикадан ташқарига бориб даволаниб кайтишлари учун кўмаклашадиган махсус хайрия жамғармаси тузысанчи? — дея у республика касаба уюшмаси раҳбариятига маслаҳат солди. Фойдали фикр кизгин маъқулланди. Бу ибратли ташаббуснинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаш томонидан кўллаб-кувватланганлиги, оталикка одинганлиги ишнинг юришиб кетишига асос бўлди.

Шундай килиб, ўтган йилинг бошида «Орол болаларига» хайрия жамғармаси ташкил топди. Саховатли, меҳру шафкатли инсонлар, меҳнат жамоалари янги хайрия жамғармасидан моддий ёрдамларини дариг тутишмади. Ҳатто, олисдаги Наманган райони, Свердловномли жамоа хўжалигидан 19 яшик сархил аниорлар оролбўйида истикомат қилувчи болаларга жўнатилиди. Хуллас, ўтган йил мобайнида салким 3 миллион сўм жамғарилди.

Хайрия жамғармаси ташкил этилгандан икки хафта ўтгач, яъни 6 февраль куни Амударё сув тошкнидан жиддий зарар кўрган Бўзатов ва Чимбай районларининг 171 нафар болалари мазкур жамғарма хисобидан «Чимён» согломлаштириш санато-

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч»нинг мухбири.

ТИЖОРАТ

Павалимдиниз мурбак,
Муҳаббатхон Мамажоновна!

Оиласизнинг меҳригиёси, париши-
таси, Сизни түғилган кунингиз билан
қутлаймиз!

Табиати тоза, дили тоза, чумолидек
меҳнаткаш, мусичадек беозор, ширин
сўз, оқила, олимасиз. Бувиларимизнинг
уй бекаси, оппоқ дадаларимизнинг уй хўжаси эканини кўр-
ган, билган, улардан ўрганган меҳрибон онасиз.

Шу хислатлар сизга йўлдош, бизга ибрат бўлсин. Узоқ
йиллар ширин ва баҳти ҳаёт кўришингизни истаб:

Умр йўлдошингиз Махмуд
Абдураимов, фарзандларингиз,
Иродохон, Умид, Улуғжонлар.



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИННИГ БИР
ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯСИ**

**СИЗГА ШАХСИЙ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ТЎЛ-
ДИРИШГА ВА ҲАТТО МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИН-
ГИЗГА АНИҚ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ!**

РЕСПУБЛИКАНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРО-
ЛАРИ БУНГА ШАХСАН ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИ-
ЛИШДИ!

Сизни 25 000 000 сўм, 15 000 000 сўм, 10 000 000
сўм, 5 000 000 сўм, 1 000 000 сўм, 500 000 сўм ва
бошқа ютуқлар кутмокда.

100, 200 ва 500 сўм турадиган бир лаҳзали лоте-
рея билетлари Жамфарма банки муассасаларида
ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилмоқда.

Лотерея шартлари тўғрисидаги тўла маълумот-
ларни Сиз:


— Лотерея билетлари сотилаётган жойлардаги
афишаларни ўқиб:

— 52-26-31, 33-51-95, 45-66-43 телефонлари ор-
қали олишингиз мумкин.

**БАХТИНГИЗНИ СИНАБ ҚЎРИНГ!
ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!**

«ЭКОСАН»
ЖАМҒАРМАСИ

«ВОСТОК»
ФИРМАСИ



**ЎЗБЕКИСТОН
БОШҚАРМАСИ.**

МУСТАКИЛ давлатмизнинг бозор иқтисодиёти шароитида театрлар роли қандай бўлиши керак, умуман санъат, маданиятимизнинг эртанги куни келажагини қандай тасаввур қила оласиз? Кейинги пайларда бу саволга ҳар ким ҳил фикр билдиримоқда. «Ишонч» газетасида «Нуқтаи назар» руқни остида эълон қилинган Тўлқин Мұхамеддининг «Дилни ўртаётган муаммолар» (1992 йил, 3 февраль, 5-сон) мақоласи юзасидан Ҳайдар Мұхамаддин «Санъатга муносиб кори онинг» (1992 йил, 30 март, 13-сон), «Театр яшами керак» (1992 йил, 11 июль, 28-сон), ТошДУ талабаси Сайёра Ҳалимованинг «Биз ҳам ёш бўлганимиз...» (Уша сон), Жонрид Абдуллахоновнинг «Бокира ҳислар соҳиби» (1992 йил, 26 октябрь, 43-сон) сарлавҳали мақолалари билдирилган фикр-мулоҳазалар ва театр арбоблари билан бўлган сўхбатларда ҳам баҳслар қизғин юритилиб, бу соҳадаги муаммоларни бир мунча ойдинлаштиришга уриниш бўлган эди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида санъаткорлар шу давринг барча қўрраларини беками-кўст акс этириб берадиган кўзгу вазифасини бажарши ке-

рак,—дейди Ўзбекистон ҳалқ артисти Санъат Дионов (1992 йил, 26 октябрь, 43-сон).—Бозор иқтисодиёти ҳалқа нима беради, эртанги ижтиомӣ ҳаёт қандай кечади—ҳаммаси саҳнада ёритилиши зарур. Шу билан санъат ҳаётдан бир қадам олдинда юрган бўлади. Демак, ҳалқ бор экан, санъат бор—у ўлмайди ҳеч қачон. Қишиларга гўзаллик, юксак туйгулар баҳши этаверади, ҳалқнинг эрк, тинчлик, шодликка бўлган ташнилигини қондираверади.

Дарвоқе, инсон ҳар қандай шароитда ҳам маънавий гўзаллик, эзгулик сари интилаверади. Давр ҳар кимнинг тақдирнида. Ана шу тақдирлар адабиётда, мусиқа, тасвирий санъат, саҳна асарларида яна рәқириқ акс этишига аҳамият катта ҳозир. Драматургларимиз бу соҳада ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ, мазмунан бойроқ, гоявий юксакроқ асарлар яратиш ҳаракатидалар. Бунга мисоллар жуда кўп. Атоқли арбобларимиз, санъатшунос олимлар, танқидчиларинг фикр-мулоҳазалари ҳам худди ана шу мазмунда кўпроқ бўлаётir. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг мақоласида ҳам шу ва шунга ўхшаш қатор муаммолар ечими ҳақида гап боради.

инъаналарни давом этириш лозим. Айникса, Маҳмудхўжа Беҳбудий ижод маданий турмушимизга чукур кириб бориши керак.

Бешинчидан, яхши пьеса ўз театрини топса, узукка кўз кўйгандек. Бу ўринда мен турли театрларни журнallарга қиёс этгим келади. Масалан, «Шарқ ўлдузи» журнали драма театрига қиёс этилса, «Муштум» журналини сатира театрига ўхшатиш мумкин. Демокчиманки, ҳар бир журнал ўз йўналиши, қиёфаси ва вазифасига, ўз доимий муаллифлари ва ўкувчиларига эга бўлганидек, ҳар бир театрнинг ҳам ўз йўналиши, қиёфаси, ўз доимий томошибинлари бўлиши лозим. Ешлар, болалар театрларида эътибор катталар театрига бўлган эътибордан ортиқ бўлса бўлсинки, кам бўлмасин. Ҳакиқий ва доимий томошибинлар болалар ва ёшлар театрларида шакланади. Демак, болалар драматургиясига, айникса, болалар адабиёти вакилларини жалб этиш лозим.

Олтинчидан, Республикамизда рус тилида фаолият кўрсатаётган театрлар репертуарини назардан четда колдирмаслик керак. Маълумки, Ўзбекистон то мустакилликка эришгунча республикамиздаги рус театрлари асосан ўз билгича иш тутарди. Ўзбек драматургиясига деярли эътибор берилмасди. Бизнингча, энди бу театрлар республикамиз маданий ҳаёти билан чамбарчас боғланиб, ўзбек муаллифларининг асарларига ҳам тегишли ўрин бериши лозим. Тики, рус тилида гаплашувчи аҳоли Ўзбекистоннинг маданий ҳаётидан яхши воказ бўлсин.

Етнинчидан, тарихий шахслар фаолияти саҳналаримизда ҳакконий тасвирини топши керак. Бу борада ўйл кўйиб келинган нуксонларни бартараба этиш шарт. Ҳалқимиз учун барча тарихий сиймолари бирдек азиздир, ота-она учун ўғил-қизнинг фарқи бўлмаганидек, тарихий шахслар барбир шу ҳалқимизнинг фарзандларидир. Ота-она фарзандидан кечиб кетолмаганидек, тарихий сиймолар қандай бўлган бўлсалар, шундай тасвириланшилар керак. Бир сиймо иккинчи бир сиймони салбийлаштириш — камситиҳ ҳисобига улуғланиши керак эмас. Умуман ўтмиш сиймолари учун ошириш ёки камайтириш шарт ҳам эмас. Бусиз ҳам улар тарихда ўз ўринларини олиб бўлганлар. Тарихни эса ўзгартириб бўлмайди. Маълум ва машҳур тарихий шахсларни «тузатиб» ёки «бузиб» бўлмайди. Айтмоқчиманки, Алишер Навоийни улуғлаш учун Ҳусайн Бойкаро — Ҳусайний шахсига кўланка ташлаш, Улугбекни буюлаштириш учун Ҳожа Ахорни «каллоб»га чиқариш, Бобурни улуғлаш учун Шайбонийни дағаллаштириш шарт эмас. Бундай нотўғри карашлар социалистик реализм методининг кафоати эди. Энди бу усуулларга ҳаётимизда ҳам, адабиётимизда ҳам ўрин ўйк.

Ўзган йили саҳна юзини кўрган Амир Темур фаолиятига доир асарларда буюк бобомиз образи тарихан тўғри тасвириланганни кишини кувонтиради, бунда тарихчи олимларнинг ҳам ўз хиссалари бор, яъни тарих фанидаги ҳакконийлик драматургиянинг ҳаётийлигига ижобий таъсири кўрсатган. Адабиёт ва фанинг узвий боғликларини шу мисолда ҳам кўриш мумкин.

Саккизинчидан, театр санъати айникса, драматургия ҳомийга муҳтождир. Бунда мен айрим спектакллар ёки пъесаларга ҳомийликни кўзда туваётганим йўқ. Улар жузъий тадбирлардир. Мен тубдан теран таянч ҳомийни кўзда тутмокдаман. Бизнинг Ўзбекистон шароитида, иккингина мустакиллигини бир ярим асрлик асоратдан кейин кайта тиклаган республикамизда, таянч ҳомий факат миллий давлатимиз бўлиши мумкин.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.



● Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ проза, драматургия ва публицистика жанрларида ижод қилади. У 10 дан ортиқ китобнинг муаллифи. Асарлари республика театрларида, сабиқ ССРдаги иттилоқдош ва автоном республикаларнинг саҳналарида қўйилган. У бир қанча танловларнинг совриндори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Тўрт нафар фарзанднинг отаси, бир неваранинг бобоси.

МУСТАКИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

долзарб бўлган бўлса, мустакил турмуш кечириш даврида ундан ҳам зарурроқдир. **Мустакиллик масъулияти** шунни такозо этади.

Тарихдан маълумки, мустакиллик масъулияти теран ҳис этилган ва химоя қилинган даврларда давлатларимиз мустаҳкам ва кучли бўлган, фан ва адабиёт ва санъат ривожланган. Масалан, темурийлар, шайбонийлар даврида шу холни кўрамиз. Лекин мустакиллик масъулияти сусайгач, асоратга тушиб колганмиз. Бу хот Абдурауф Фитрат домланинг «Абуғайзхон» фожеасида жуда ҳакконий тасвирангандан. Демак, миллий мустакилликни мустаҳкамлаш учун мустакиллик масъулиятини таърнум этиши драматургларимиз олдида турган энг муҳим ва энг биринчи вазифадир. Мустакилликни мустаҳкамлайверсак бошка ҳамма ишларимиз ўз мавриди билан амалга ошаверади, турмуш аста-секин изга тушиб кетаверади. Ишлар кўнгилдагидек бўлади. Мустакиллик масъулиятини ўқувчи ва томошабинга ҳам тарихий шахслар, ҳам замондошларимиз ҳаётини тасвирилаш орқали етказиш мумкин.

«Ижодкор сиёсатдан четда турши, мангу мавзуларни кўйлаши лозим», дегувчиларнинг фикрига қўшила олмайман. Ижодкор сиёсатдан четда туромайди. «Сиёсатга аралашмайман, сиёсатдан четда тураман» дейишининг ўзи ҳам, бир сиёсий карашнинг ўзи эмасмики? Вахоланки, «Кутадгу биллиг»дан тортиб то «Ҳамса» достонларига муайян сиёсий карашлар мавжудdir. Муаллифларида ана шу сиёсий карашлар бўлмаганида ўша асарлар яратилмаслиги мумкин ҳам эди.

Тўртингчидан, ўзбек драматургиясида Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби мумтоз ижодкорларнинг асарларидан ибрат олиш, улар бошлаган энг яхши

АДАБИЕТДА гоҳ у жаңр, гоҳ бу жаңр илғор бўлиб, етакчилик қилас килар экан. Ҳамма жаңр баб баравар ва бир текис ривожланавермас экан. Турли жаңрларда ижод қилувчи адилар фаолиятида ҳам гоҳ у жаңр, гоҳ бу жаңр навбати билан етакчилик қилас экан. Чунки, ҳакиқий ижодкор учун ёзиш бу турмуш тарзидир. Қандай максад билан ёзилса, нима билан нафас олса, бу хол унинг ижодида тажассум этади.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тарихида шундай даврлар бўлади, етакчилик қилас билдириёт одамлари сиёсат билан шуғулана бошлайдилар. Ўзбекистонда 1988—92-йиллар худди шу йиллarda асримиз бошидаги каби юксалди, адабиётда етакчилик килди. Бу эса миллий озодлик ва истиқлол учун кураш билан боғлиқ эди. Юртимиз мустакилликка эришгач, ҳаёт кун тартибига янги вазифаларни, биринчи навбатда мустакилликни мустаҳкамлаш, мустакил яшашга ўрганиш, келажакка ҳозирлик кўра бориш, босиб ўтилган йўлдан хулоса чиқариш каби масалаларни ўртага кўйди ва кўймоқда. Демак, эндиги асосий навбат «оғиркарвон» жаңрларга, жумладан, драматургияга етиб келди. Бу фикри навбатида шундай билан мен энди публицистика таназзулга юз тутади, дамокчи эмасми. Лекин асrimизнинг колган даврида публицистика масалан, 1990—91 йиллардаги даражада етакчилик килол-майди. Бунинг сабаблар кўп, 80-йилларнинг энг охири ва 90-йилларнинг

дастлабки 2 йилидаги ўзбек публицистикасининг энг сара намуналари тарихдан муносиб ўрин олиши турган гап. Чунки уларда ҳакиқий зиёниларнинг азалий ва абадий миллий одатий туйгулари ўз ифодасини топган эди.

Энди худди шу туйгулар — миллий тараккиёт учун бўлган туйгулар бошкада жаңрлар каторида драматургияда ҳам теран ифодасини топши мумкин. Миллий озодлик туйгусини кўйлаш то мустакилликка эришгунча канчалик

[26] ДУШАНБА**● ЎЗТВ I**

- 18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Талабалик ийларим».
18.40 «Қўқоннинг латиф ёдгорликлари». Телефильм.
18.50 «Янгиланиш йўлидан». Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида техника тараққети.
19.20 «Ҳамкорлик ришталари». «Ўта Осиё транс» фирмаси ҳакида.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қонун амалда». Телевизион киножурнал.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировни ёд этиб...»
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Театр учрашувлари». Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш

томошибинлар театрининг «Асрат» спектакли ҳақида.

22.10 «Ғалабадан сўнгти жанг». Бадий фильм. 1-серия.

● ЎЗТВ II

- 18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ўтишиз келажак йўқ».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 «Озодлик — саломатлик гарови». Шаҳар санитария эпидемиология маркази ҳодимлари билан бевосита мулокот.

20.30 «Лаҳза». Хабарлар.
20.45 «Бизнинг сұхбат».

21.05 «Миришкорлар».

21.35 «Лаҳза». Хабарлар.

21.50 «Аёллар салтанати». Бадий фильм.

● «ОРБИТА IV»

- 5.00 «Янгиликлар».
5.45 «Тонг».

8.00 Янгиликлар.

8.20 «Тингланг, томоша кининг»...

8.40 Мультфильм.

8.55 «Марафон-15».

9.45 «Исмингиз маъноси нимани англатади?» Маърифий дам

АПРЕЛЬ—МАЙ

* * *

- 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

● ЎЗТВ II

- 14.25 «Телемистк».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильм.

15.30 Болалар телевидениеси үшумаси. «Шон-шуҳрат истайман» (Таллин).

16.00 Сир-асордан ҳоли «Атом энергеткаси». Телефильм премьера (Киев).

16.20 «Икболи кулганда».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

17.25 «Технодром».

17.35 «Гол».

18.10 «Ҳафтанинг акс садоси».

18.45 «Сергийга ибодат». Хроникал-хужжатли телефон фильм премьера.

19.40 Хайрли тун, кичконтойлар!

20.00 Янгиликлар.

20.25 «Горячев ва бошқалар». Бадий телесериал премьера.

12-серия.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Мушуклар, овунчоқларимиз».

10.25 Хонаки экран. «Қаҳрамон учун кўзгу». Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

12.40 «Деҳқонларга таалукули масала».

13.05 Кундузги сеанс. «Мафтункор лаҳзалар». Бадий фильм.

- 20.55 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таниширади:
21.10 «Бомонд».
21.50 «Вазият».
22.20 «Ассалому алайкум».
22.30 «АТВ-брюкер».
22.45 «Монтаж».
23.40 «Джем-сейшн». Вивальди оркестири. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

**● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Ишбилармон кишилар даври.

7.55 Тонги концерт.

8.10 «Мутлақо маҳфий».

9.05 «Хулк-атвор».

9.35 Мульти-пульти.

9.50 «Паравоздан олдинроқда».

10.10 Ишдан бўш пайтингизда.

«Мушуклар, овунчоқларимиз».

10.25 Хонаки экран. «Қаҳрамон учун кўзгу». Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

12.40 «Деҳқонларга таалукули масала».

13.05 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Телеэкранди — премьера.

«Барбод бўлди». Бадий фильм.

23.00 «Ксюша хузурида».

- 14.30 «Американинг ёввойи табиити». Кўп серияли телесериал премьера (АҚШ). Бадий фильм.

15.00 Янгиликлар.

15.15 «Мегаполис».

15.45 Трансрөсэфир. «Саховат кўрсат».

16.30 «Чернобиль... фожиа давом этмоқда...»

17.00—19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таниширади.

«Үгри бекинмачоқ ўйнаяти». Бадий фильм. «Криминал ходисалар» туркумидан (АҚШ).

20.25 Спорт кўрсатуви.

20.30 Катталар учун мультфильм.

20.45 «Танаффус».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Телеэкранди — премьера.

«Барбод бўлди». Бадий фильм.

23.00 «Ксюша хузурида».

- 7.55 «Юлдузлар ёғилганда».

8.55 «К-2» таниширади. «Абзак».

9.50 «Вилоятда конверсия».

10.20 Хонаки экран. «Аждаҳон ўлдириш». Бадий фильм. 1-ва 2-сериялар.

12.20 «Деҳқонларга таалукули масала».

12.45 «Жаноблар-ўртоқлар».

14.05 «Телебиржа».

14.35 Янгиликлар.

14.50 «Рост» студияси. «Пеппи».

«Гонг» кўйирчок театрининг спектакли. 1-кисм.

15.20 «Трансрөсэфир. «Поволжье».

16.05 «Околесица» кабареси.

17.00—19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 Хонаки экран. «Сантабарбара». Кўп серияли бадий телефон фильм премьера. 159-серия.

20.30 «Сизнинг хуқуқингиз».

20.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.30 «Асил ҳолича».

22.25 Спорт кўрсатуви.

- 16.00 «Истеъододлар ва муҳлислар».

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Интерпол» МДХ учун кўрсатувини таниширади.

17.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьера.

18.40 «Миниатюра».

18.55 «Мавзу».

19.40 Хайрли тун, кичконтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.

20.25 «Героин йўли». Олти серияли телевизион бадий фильм премьера (Англия). 1-серия.

21.25 «Мусиқа шинавандасига совча. «Скрипкачилар».

22.00 Янгиликлар.

22.35 Мулодор алифоси.

22.45 «Матбуот-экспресс».

22.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Германиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.

7.55 Тонги концерт.

8.10 «Соло». Балетмейстер Николай Боярчиков.

8.55 Мульти-пульти.

9.10 «Урал варианти».

9.55 «Асил ҳолича».

10.50 Ишдан бўш пайтингизда.

«Хонаки клуб».

11.05 Хонаки экран. «Санта-

Хужжатли фильм.

18.35 Россия халқ артисти Людмила Рюминанингижодий кечаси.

19.40 Хайрли тун, кичконтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.

20.20 «Героин йўли». Олти серияли телевизион бадий фильм премьера. 2-серия.

21.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Венгрия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан кўрсатилади.

23.00 Янгиликлар.

23.40 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».

23.55 «Видеодром».

00.25 «Л клуб».



10.10 Хоккей. Жаҳон чемпионат. 1/4 финал. З-дavr.
 10.50 «Матбуот-экспресс».
 11.00 Янгиликлар.
 Кундузги киноэкспресс:
 11.20 «Гусарнинг унаштирилиши». Телевизион бадий фильм.
 12.30 «Оқкуш күшиғи». Киска метражли телевизион бадий фильм.
 12.55 «Око» студияси таништиради: «Пашшалар ҳокими». Ҳужжатли фильм премьераси («Козокфильм»).
 13.50 Мультфильм.
 * * *
 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 14.25 «Телемикст».

15.10 «Ён дафтар».
 15.15 Мультфильм премьераси.
 15.20 «Тожик туроғида баҳор».
 15.50 «Бахти бўлинг, сизни севадилар».
 16.20 «Сиз бунга кодирсиз».
 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталарап».
 18.15 «Оддий Мария». Кўп сеяли телевизион бадий фильм премьераси.
 19.00 «Рус олами».
 19.40 Хайрли тун, кичкитойлар!
 19.55 Эълонлар.
 20.00 Янгиликлар.
 20.20 «Героин йўли». Олти се-

рияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
 21.15 «Лўлилар баҳти». Телевизион.
 22.05 «Эфирда мусика». 1-кисм.
 23.00 Янгиликлар.
 23.40 «Эфирдан мусика». 2-кисм.
 00.40 «Матбуот-экспресс».
 00.50 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 7.25 Ишбилармон кишилар даври.
 7.55 «Параллеллар».
 8.10 Мульти-пульти.
 8.20 «Давр ва шахс».
 9.05 «Ўз-ўзига режиссёр».

9.35 «Экзотика».
 10.35 «Бола тилидан».
 11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 160-серия.
 11.55 «Пилигрим». Россия саёхатлар бюроси.
 12.35 «Дехконларга тааллукли масала».
 13.00 Кундузги сеанс. «Узун сочили гўзал Варвара». Бадий фильм.
 14.25 Катталарап учун мультфильм.
 14.35 «Алгоритмлар».
 15.05 Янгиликлар.
 15.20 «Мансаб алифбоси».
 15.35 Трансросэфир. «Суратга чизгилар».
 16.20 Джаз кўйларидан концерт.
 17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 19.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
 19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 161-серия.
 20.40 «Маглубиятсиз ўйин».
 21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.
 21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».
 21.30 «Осоишта уй».
 22.25 Спорт кўрсатуви.
 22.30 Криминал хабарлар экрани.
 22.45 «Осоишта уй» (давоми).

● ЎЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
 7.30 «Қўшик сеҳри». Эркаторш Шукурова шеърлари билан айтиладиган қўшиклар.
 8.05 «Соҳил». Бадий фильм. 2-серия.
 9.15 «Ёшлик» студияси. «Истебодларни излаймиз».
 9.55 «Ўзбекистон спорти».
 10.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АКШ).
 10.55 «Оналар мактаби».

* * *
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 «Эъзоз». Яккабоғ пахта тозалаш заводи.
 18.30 «Ёшлик» студияси. «Бевосита мулоқот».
 19.25 Эълонлар.
 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
 19.50 Эълонлар.
 19.55 «Мусаввир». Телефильм.

20.10 «Оқшом эртаклари».
 20.25 «Сизга бир армон бўйай...». Озода Мадраҳимова кўйлади.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
 21.30 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
 22.10 «Махалла — тарбия масакани». Республика «Махалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси-нинг Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани «Исломобод» маданият марказида биргаликда ўтказган сиёсий, маданий тадбига багишинади.

23.00 «Келинлар кўзғолони». Бадий фильм.
 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎЗТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»
 4.55, 14.20, 22.55 — Кўрсатувлар тартиби.
 5.00 Янгиликлар.
 5.35 Эрталабки гимнастика.
 5.45 «Тонг».
 8.00 Янгиликлар.
 8.20 Мультфильмлар.

8.50 Болалар учун фильм. «Руди меҳмонда».
 9.50 «...16 ёшгача ва ундан катталарап».

10.30 «Северные голоса» ансамбли ижро этади (Мирний шахри).
 10.50 «Матбуот-экспресс».
 11.00 Янгиликлар.
 11.20 «Саёхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
 Театр шинавандалари, Сизлар учун!

12.10 «Эдит Пиаф». Московетномли Давлат академик театри-нинг фильм-спектакли.

* * *
 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 14.25 «Бридж».
 14.50 «Бизнес-класс».
 15.05 «Ён дафтар».
 15.10 Болалар учун фильм. «Руди меҳмонда».
 16.10 «Иша».
 16.20 «Ўзгариши». «Илҳом манбалари» кўрсатувида меҳмонда.
 16.50 «Рус кошини». Телевизион.
 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 17.20 Ф. Шопен. Фортепиано ва

оркестр учун. 2-концерт. Фамажор.

18.10 «Ҳам кулдиради, ҳам куйдиради». А. Арканов.

19.00 «Мўъжизалар майдони».

19.40 Хайрли тун, кичкитойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.

20.20 «Хафтанинг машхур кишиси».

20.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади.

22.35 «Забт этиши». Телефильм.

22.45 «Матбуот-экспресс».

23.00 Янгиликлар.

«ВИД» таништиради:

23.35 «Сиёсий бюро».

00.10 «Музобоз».

00.50 «Авто-шоу».

01.05 «Х» программаси.

01.45 «Хит-конвойер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.

7.55 Мульти-пульти.

8.05 «Андишаларга бормай».

9.00 «Тилла шпора».

9.25 «Осоишта уй».

10.20 «Комтек-93».

10.40 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».

10.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 161-серия.

11.45 Театр сафари. «Болалар хокимиияти».

12.40 «Дехконларга тааллукли масала».

13.05 «Ижица».

13.35 «Омад кулиб бокқандা».

14.40 «Телебиржа».

15.10 Янгиликлар.

15.25 «Рост» студияси. «Кенгуру».

15.55 «Минора».

16.10 Жума куни Дисней. «Ер сайдёрасига юборилган». Бадий фильм. 8-серия.

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Телекранда — премьера. «Имитатор». Бадий фильм.

21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

21.25 Россия телевизион театрда премьера. В. Метальников. «Ички душман».

23.15 «К-2» таништиради.

00.35 Спорт кўрсатуви.

9.55—12.55
 «ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.55 Биз севган комедиялар. «Менга шикоят дафтарини беринг». Бадий фильм.

14.20 «ХХ аср кадра ва кадр ортида».

14.50 XX аср қизиқчилари. Бастер Китон. Кўрсатувни Э. Рязанов олиб боради.

16.00 «Репортер».

16.15—17.25
 «ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

* * *

17.25 Телекранда — премьера. «Мадо, талаб килиб олингунча». Бадий фильм.

19.15 «Чегарасиз футбол», 20.10—21.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Ярим финал. Мюнхендан олиб кўрсатилади.

9.00 «Хамма уйдалигига». Дам олиш кўрсатуви.

17.55 «Даврани кенгрок олинг».

19.40 Хайрли тун, кичкитойлар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.

20.25 «Матбуот-экспресс».

20.40 «КВН».

22.35 «Ракслар, ракслар, ракслар». «Россия-92» III халқаро турнири. Танафус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

Охири киносанси:

23.55 Телекранда биринчи марта. «Ленинград ноябрь». Бадий фильм. «Ленфильм», ГФР.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 «Оламга ўз нигоҳ билан караш».

7.50 «Инклиб майдони. «3 пардали драма». Ҳужжатли фильм премьера.

9.25 «Кузирхоним».

10.35—14.50
 «ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

14.50 Биз севган комедиялар. «Гараж». Бадий фильм.

16.30 «Познер ва Донаҳу».

17.20 «Кесиб ташламанги...»

Кўрсатувни Б. Коптев олиб боради.

17.35 Диснейнинг сехрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузашлари», «Қора плаши».

18.25—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Дунёга машхур цир

ОҚИЛЖОН дам олиш куни қишлоқдаги бобосини күриб келгани отланди. Совға-салом харид килиб, саккиз ёшли ўғли — Шавкатжонни эргаштириб, тоққа жүнади.

Поезддан тушишлари билан төттегидеги бекатда ўрта ёш, қора түрік, күккүз, бужур бир киши күтиб олди.

— Э, бормилар, бормилар, қадамларига ҳасанот, хуш келибсиз. Хуш күрдик. Жұда соғынтириб юбординглар-ку-а. Шаҳарлар тинч-омонми?

Оқилжон ҳайрон бўлди. Бу одамни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган.

кўлидаги тўрхалтани ҳам тортиб олди. Бирдан от сингари кишинаб «тойбола, ширина бола», деганча йўртиб кетди.

— Яхшиям чикқаним. Келишларингни сезувдим-а. Сизга ўхшаган ошна-оғайниларим келишадиган бўлиша, бир кун олдин аён бўлади-я. Кечаки тушимда бир тойчани опичлаб юргандиган, бугун мана ўнгимда-я.

— Қаерда ишлайсиз, ишларингиз қалай?

— Ишимиз ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос — мактабда. Ҳафтасига учтуттоз соат тарихдан дарс бериб кўянимиз, кейин ялло. Сизга ўхшаган ошно-

Ўтган ой бизникида шаҳардан келган уч киши бир ҳафта дам олса бўладими? Беш кўй, олти яшик «столичний» билан келишган экан. Маза қилишди-да. Бизникидагилар овқат пишириб чарчашди. Чорбогимиз этағидан катта дарё ўтади, дарёнинг соҳили бепоён ўрмонзор. Ов қилиш ҳам гашти. Мана бугун Шавкатжон билан мириқиб дам оласиз.

Оқилжон бужурнинг бетиним жавраши билан бобосиникига етиб олганни билмай қолди. Асад бува дарвона олдидаги курсида ўтирган экан. Шавкатжон бужурнинг устидан сакраб тушиб, бобосининг қучоғига отилди. Оқилжон ҳам ота билан қучоқлашиб кўришиди.

— Хўп бўлмаса, биродар, биз етиб келдик. Раҳмат, тўрхалтани бераколинг энди.

— Ие, бу чолникида нима қиласизлар? Бизникига кетаётган эдингиз шекилли?

— Бобомизни кўргани келаётган эдик, қани, сиз ҳам киринг.

— Раҳмат-е,— бурилиб жўнай бошлади.

— Тўрхалтадаги чолнинг насибаси, ташлаб кетинг.

— Кира ҳақи-чи?

— Қанақа ҳақи?

— Хирсдай, зид-замбил ўғлингизни опичиб келганимми ҳақи-чи?

— Кўтариб олинг, деб ялинганим йўқ эди-ку!

— Айтмасангиз ҳам бизда одамгарчилик бор.

— Садқаи одам кетинг-е, қарияга атаб олинган нарсага суклик қиласизми, мана, пул-мул олақолинг.

— Кўй, ўғлим,— деди Асад бобоневарасига.— Ўша билан тўя қолсин. Буни Сайфи суллоҳ, демаса ҳеч ким танимайди. Олганини берганмас ҳеч кимга.

— Қачон суллоҳлик килдим?— бужур чолга ўдағайлади.

— Ўқувчи қизларга подадаги сиғирларни соғдириб, қатиқ қилиб согтанинг, сайдёхларнинг машиналари эҳтиёт қисмларини ўғирлаб, кейин пул эвазига ўзларига қайтарганинг, ошхонадан мол-ҳолингга ювинди ўғирланларинг-чи? Ёлғон дегинчи? Шармандан чиқиб, эл олдида юзинг қаро бўлса ҳам тийилмас экансан-да, сийқа суллоҳ! Йўқол, турқингни кўрмай!

Асад бобо меҳмонларини бошлаб, ҳовлисига кириб кетди.

— Суллоҳ бўлолмаганингга алами?!— деда улар орқасидан бақириб қолди бужур.

Тожибай АЛИМОВ.



АБУЛ ФАРОЖ

ДОНОЛАР ДЕЙ-ДИЛАРКИ...

Биттаси ориқ хотинга ўйланган экан, қўшниси унга:

— Мунча нимжонига ишқинг тушибди?— деса, ҳалиги одам шундоқ дебди:

— Эй биродар, димоғифроғи ҳам жуссасига яраса бўлади, деб ўйлаган эдимда.

* * *

Аристотелдан сўрабдилар:

— Одамлар билан сенинг орнгда қандоқ тафовут бор?

— Улар емоқ учун яшайди, мен эсам яшамоқ учун ейман,— деб жавоб берибди у.

* * *

— Нотиқнинг вазифаси нимадан иборат?— деда файласуфдан сўрасалар, жавоб қилибди:

— Икки пулга арзимайдиган одамларни кўкка кўтариш, улуғларнинг хизматини ерга уриш.

* * *

Бир файласуф шундоқ деган экан:

— Душманиндан пинҳон тутган сирингни дўстингга ҳам ошкор этма, чунки дўстлик абадий эканлигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

* * *

Бузургмечрдан сўрабдилар:

— Нега дўст бир оғиз сўз билан душманга айланади-ю душманинг дўст бўлиши қийин?

— Иморатни бузиш қайта қуришдан осонроқ, пулни сарф қилиши уни топишдан осонроқ,— деб жавоб берилади.

* * *

Бир донишманд шундоқ таълим берган экан:

— Гапиргандан кўра эшитмоқ афзалдири.

— Нега?

— Худо бекорга битта тилу иккита қулоқ бермаган.

* * *

Бошқа бири бундоқ деган экан:

— Сопол идишининг чидамли, чидамсиз эканлигини билши учун уни чертиб кўриш керак бўлганидек, одамнинг ҳам сўзиға қараб баҳо берилади.

* * *

Этуборли бир одамдан:

— Бу қабиланинг бошлиги ким?— деб сўрашса:

— Бу шўрликларнинг пенонасига мен битган эканман — деб жавоб берилди.

Кибриё ҚАҲХОРОВА
таржимаси.



— Бошқа биродарга ўхшатаяпсиз шекил?— сўради у.

— Йўғ-е, биродар, эсимни ебманни,— деди бужур,— сизни ҳеч кимга алмаштиримайман. Сиздек тиллога тенг одамни кимга ҳам ўхшатай. Факат ўзингизгагина ўхшатиш имкони. Мана бу сўксурдек ўғилчангиз тенгиз, баҳосиз бола-да.

Оқилжон яна ҳайрон. Бу томонларга йилда бир келса-ю... Шунда ҳам бобосини кўргани. Йўл олис. Кўп айланомлайди. Унда — бу ким бўлди?

Тоғ томондан ёпирилиб келаётган кора булутлар сув пуркаб юборди. Катта-катта ёмғир томчилари юзларга муздек урилиб, йўл юзини ювди.

— Тоғ ҳавоси шунақа,— билағонлик қилди бужур,— бирпаста айниди. Эрталаб очиқ эди, энди кўрмайсиз — ёмғир савалаяти. Тугун — бўғчаларингизни кўтаришворай.

— Раҳмат, толиққанимча йўқ.

— Бўлмаса, ўғилчани кўтариб ола-колай, шимлари ифлосланмасин,— кейин Шавкатжонга сўз қотди,— кенлинг, тойбола, елкамга мининг.

Шавкат дадасига қаради, Оқилжон бош ирғаб, майли, опичақол, дегандай қилди. Бужур Шавкатжонни опичлади. Кейин қўярда-қўймай Оқилжоннинг

оғайниларга қўлдан келгунча хизматда бўламиш. Ҳей, биродар, одам дунёга бир марта келади. Айримлар ўзини уринтиргани-уринтирган. Иш-иши деб, одам ўлиб кетади. Мундок яшашни ҳам билиш керак-да. Ўзини ўтгасувга уравериш жонга жавр. Ким сандан миннатдор бўларди. Худо бераридан қисмасин, парвардигори олам бандасининг ризқини етказади.

Оқилжон яна бужурнинг кимлигини эслашга уринди. Таниёлмади. Бужур эса Шавкатжон билан гаплашар эди. Гап орасида дадаси ва ойисининг исмларини ҳам сўраб, билиб олди-да, мақтади:

— Жуда кобил бола экансиз-да, тойбола, қашдек енгилсиз-а... Шаҳар болаларини яхши кўраман. Одобли, яхши бола бўлади.

— Бу ердан машина ҳам ўтмас экан-а?— деди Оқилжон.


— Унда-мунда ўтиб туради. Яқинда ўзим машина оламан. Оқилжон ака, сизга ўхшаган оғайнилар карашиб юбориша, машина нима деган гап. Ўшанда сизларни машина билан кутиб олганим бўлсин. Ҳамма дам олгани шу томонларга келишади. Айниқса, маорифчи ошналар отпуска вақтида келиб ҳафталаб ётишади.

Бизни ўйлантирадиган муаммо (ўйлантирадиган).

Камшира (ҳамшира).
Ранг-баранг алам (олам).
Трактор бола тортди (мола).
Бахтини меҳнатдан чопди (топди).
Тош дўхтир (бош).
Пиллани остирдим (бостиридим).

Нуриддин ЯХЁЕВ.

БОШҚОТИРМА



Энгига: 1. Ҳалқ оғзаки ижодида тўйларда айтиладиган кўшик. 3. Кадимда болаларни ўқитган аёл. 9. Таникли ўзек хазина топар олими. 13. Пилла курти хосили, ашё. 14. Ҳўл мевадан тайланадиган ширинлик тури. 15. Бирор нарсанинг мазмуни баёни, изоҳ. 18. Сўз туркуми. 19. Ишонч, интилиш. 20. Ўзбекистондаги қадимий шаҳар. 22. Каебни эгаллашда ортирилган маҳорат. 25. Донни туйиш анжоми. 26. Африка мамлакати пойтахти. 27. Афсонавий катта қуш. 31. Чорвачилик соҳаси. 33. Назм ижодкори. 34. Ўй жоновори.

Бўйига: 2. Шамсия йил хисобидаги ойлардан бири. 4. Амирко адиби, хажвиёт устаси. 6. Коннот жисмийнинг ҳаракат йўли. 7. Африкадаги дарё, Конгонинг ўнг ирмоги. 8. Зеб-зийнат буюни тайёрлашда ишлатиладиган ранги тош. 10. Шаҳарнинг мътирий бўлими. 11. Бирор соҳада ахиллик билан иш олиб бориш. 12. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 16. Асосан шаркий-шимолий Африкада яшовчи ҳалқ. 17. Пазандалик анжоми. 21. Савдо-сотик тури. 22. Куёш тизимидағи сайдерлардан бири. 23. Пўлат хосил килинадиган котишима. 24. Ўзбек ҳалқ макоми. 28. Бошокли экин.

Ейлар бўйича: 1. Кадимий давлатлар бошликларининг қароргоҳи, пойтахти. 5. Савдо муммосида, пулни дархол тўлаш усули. 30. Ўйиб ёки бўёк билан ишланган миллий безак. 32. Ранг-баранг патти «гапдон» парранда.

Фазилжон ОРИПОВ тузган.



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

● СОБИҚ Совет раҳбарининг ўғли Сергей Хрущев рафиқаси билан АҚШда яшаш учун ижозатнома олди. Собик ракетачи-муҳандис бўлган бу зот Крэстондаги уйидан телефон орқали РАТА—ТАСС мухбирига айтишича, 1991 йилдан бўён Браун университетида сиёсатшунослик билан шуғулланмоқда. АҚШда доимий яшаш учун ижозатнома олгани ватанини умрбод тарк этишидан дарак бермайди. «Бу ҳол менинг ишимни ва бориш-келишимни осонлашибади, холос»,— деб таъкидләди у.

● ПОКИСТОН Президенти Ғулом Исҳоқон 1993 йил 14 июль куни муддатидан олдин парламент сайлови ўтказилишини эълон қилди. Сайлов эркин ва одилона бўлади, деди у. Покистон Давлатининг бошлиғи конституцияда берилган ваколатдан фойдаланиб миллий ассамблеяни тарқатиб юборган ва Навоз Шариф ҳукуматини олиб ташлаган эди. Президент ҳукуматини мамлакатни қониқарсиз бошқаришда, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар қилишда, порахурликда, қариндош-уругчиликда айлаган эди. «Конституцияга биноан бу ҳукумат энди ишлаши мумкин эмас»,— деди у.

● КУДДУС шаҳрида очилган XVI ҳалқаро китоб ярмаркасида 44 мамлакат иштирок этмоқда. Улар орасида илк маротаба қатнашаётган ўзбекистонлик ноширлар ҳам бор.

АМЕРИКАНИНГ Ньюарк шаҳрида яшовчи Луис Сарно бундан саккиз йил муқаддам пигмейлар мусиқасини магнит лентасига ёзил олиш учун Африкага кетганди. Луис Марказий Африка республикасининг Жануби-Фарбидаги Дзонга-Санга қўриқхонаси — Африканинг ҳакиқий нам. чанг алзорлари ўртасига борган.

У яқингинада босмадан чиккан «Ўрмон қўшиклиари» деб номланган китобида ёзишича пигмейлар даастлаб унга ўткинчи бир одам сифатида караганлар. Ундан спиртли ичимликлар, сигаретлар олиб ҳакига хужраларидан ётишга жой берганлар. Бегона кулоқ эшитмаслиги, кўз қўриши мумкин бўлмаган диний қўшик ва раксларидан ташқари бўлган ўз қўшиклиридан айримларини улар Луиснинг ёзил олишига рухмат берганлар.

Пигмейлар ўз турмуш тарзлари билан Луиснинг

НЮАРКЛИК МИКЛУХО-МАКЛАЙ



астойдил қизиқаётганилигига ишонч хосил қилганиларидан сўнггина унга ишониб

бошқача қарай бошлаганлар ва ўз муносабатларини ўзгартирганлар. У бир куни

овдан кайтиб келиб кулбасида кишлоқ аёлларини ўтиришганини кўрган: улар эрларини овдан кайтишини кутишиб, келтирган нарсаларидан дарҳол овкат пишириш учун шундай ўтиришади. Бу Луисга бўлган тўла ишонч белгиси эди. «Жаноб Лулей» (пигмейлар Луисни шундай деб чакиришади) улар учун энди ўзлариники бўлиб колганди. У ёшгина пигмей аёлита уйланиб олгач, бутунлай ўшаларнинг одами бўлди колди.

Луис Сарно китобини чоп этиш учун Нью-Йоркка келгана ўзи билан бирга хотинини олиб келмади. Хотиниминг туғилган жойларини ташлаб кетишига ҳеч қандай ҳоҳиши ўйк,— деди Луис. Ўзи хам тезрок оркага кайтишини хоҳлаб туриди: «У ерда менинг якин дўстларим кутишпти. У ерда менинг ўйим»— деди журналистлар билан бўлган сухбатда.

Анатолий РЕПИН.

«Ишонч» таҳририяти хабар қиласди:

МУАССАСА, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ишонч» газетасини нашр килиш ва сотиш харжатлари ошиб кетганилиги муносабати билан муассаса, корхона ва ташкилотларнинг 1993 йилги «Ишонч» учун расмийлаштирилган обунасини 1 июлдан тўхтатишга мажбур бўлинди.

Муассаса, корхона ва ташкилотлар учун 1993 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди. Унинг баҳси 678 сўм қилиб белгиланди.

ОБУНАНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ
УНУТМАНГ. ОБУНА НАШР КЎРСАТКИЧИ —
64561.

ЯККА ТАРТИБДА ОБУНА БЎЛГАН ШАҲСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Газета харажатлари канчалар ошмасин «Ишонч» таҳририяти ўтган йил берган ваъдасига бу йил ҳам вафо қилиб, 1993 йил обунасини йил охиригача тўхтатмасликка қарор қилди. Ҳозиргача обуна расмийлаштирган барча «Ишонч»чилар йил охиригача газеталарини оладилар.

Янгидан обуна бўладиган ўртокларга эса эслатиб кўймоқчимиз. Энди «Ишонч» обунаси ярим йилга 522 сўм қилиб белгиланди. ОБУНА БЎЛИШНИ
УНУТМАНГ. ОБУНА НАШР КЎРСАТКИЧИ —
64560.

● Газетага 1991 йил 8 январда
Узбекистон Матбуот Давлат қўми-
таси томонидан 00068 рақами
гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

● Формати А-3 ҳажми 4 босма
табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси

Президенти Маҳкамаси Ишлар

бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-үй.

● Буюртма Г-193

1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТҮЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир мувони),
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,
Турғунбой МАДИЕРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Абдурақсул РЎЗМАТОВ,
Саминжон СУЛТОНОВ
(вилоят мухбири),
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Шабот ХЎЖАЕВ,
Санобар ХЎЖАЕВА,



● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир мувони 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Маданият, маънавият ва
хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик
— 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМIZНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10;
Гулистанда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Навои — 3-59-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40;
Каршида — 5-33-71;

● Муҳарририят га келган қўл-
ёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан
ошмаслиги лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарилмайди,
фойдаланилмаган хатларга жа-
воб юборилмайди. Таҳририят во-
ситачилик қилмайди Маколалар-
даги фикр-мулоҳазалар, келти-
рилган факт ва рақамлар масъу-
лияти муаллифлар зиммасида-
дир.

● Газета 1991 йил 21 марта
чика бошлаган.

ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

Ўрта Осиё электр аппаратлари
имлаб чиқариш бирлаш-
маси,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик
райони Ким Пен Хва номидаги
корпорация.



● Сотувдаги нархи 10 сўм.
● ШАНБА кунлари чиқади.
● БОСИШГА 23 апрелда
топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун Назаров,
Санъат Махмудова.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда
Востока» кўчаси, 24-йй.

● 85.330 нусхада босилди.

● Нашр кўрсатгичи: 64560;
64561.